БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ
СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ.

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО
КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО
СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши
№ 26 (11775).

Чоршанба, 1 февраль, 1961 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ҲАММА ИМКОНИЯТЛАРНИ ВА РЕЗЕРВЛАРНИ ТОПИШ ВА ФОЙДАЛАНИШГА, ФАН МУВАФФАҚИЯТЛАРИНИ ВА ИЛҒОРЛАРНИНГ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ НОВАТОРЛАРИНИНГ ТАЖРИБАЛАРИНИ ЁЙИШ ВА ЖОРИЙ ҚИЛИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИЛСИН.

(КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1961 йил 18 январда қабул қилган қароридан).

КОММУНИЗМНИНГ ИЛҲОМБАХШ ЗАФАРЛАРИ

Совет кишисининг ҳар бир куни сермазмун, қалбларни чексиз қувонтирувчи воқеалар билан нишонланмоқда. Партиямиз Марказий Комитетининг январь Пленуми мамлакатимизда сиёсий ва меҳнат активлигини мисли кўрилмаган даражада ошириб юборди, меҳнаткашлар оммасини янги зафарларга, буюк яратувчилик ишларига сафарбар этди, ватанпарварлик ташаббусларини, ажойиб ҳаракатларни вужудга келтирди.

Пленумнинг жанговар программаси билан қуролланган ҳар бир совет кишиси партиямиз XXII съездини муносиб туҳфалар, меҳнат совғалари ва янги муваффақиятлар билан нишонлаш орзусида яшамоқда. Бутун мамлакатда меҳнат шавқ-завқи булоқдек қайнаб тошаётган ана шу кунларда коммунизм одимининг қудратли ва ғолибона самаралари яна бир янги ва севинчли хабар келтирди: улуғ етти йиллигимизнинг иккинчи йили муваффақиятли якунланди!

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаларининг ахборотлари эълон қилинди. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1960 йилги давлат плани ошиғи билан бажарилди. Иккинчи йил якунлари, ахборотда келтирилган рақамлар совет кишилари буюк ижодий ишининг ёрқин намунасидир. Бу ажойиб якунлар шонли Коммунистик партиямиз ва жонажон Совет ҳукуматининг мамлакатимиз куч ва қудратини ошириш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш ҳақида қилаётган буюк ғамхўрлигининг, илҳомбахш ишларининг ифодасидир. Бу рақамлар совет кишисининг ўз она-Ватанига чексиз садоқати ва муҳаббати тимсолидир.

Ўзбекистон меҳнаткашлари партия XXI съезди қарорларини зўр ғайрат билан амалга ошира бориб, халқ хўжалигининг барча тармоқларида янги ютуқларни қўлга киритдилар. Республикамиз саноати 1960 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажарди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йили 1959 йилдагига қараганда 10 процент ўсди. Етти йилликнинг ўтган икки йили мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ўсиши етти йилликнинг контрол рақамларида белгиланган 8,8 процент ўрнига 9.5 процент бўлди. Бу рақамлар коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш ҳақида партиямиз XXI съездининг топшириғи тез суръатлар билан амалга оширилаётганлигини ҳамда социалистик тузумимизнинг капиталистик тузумдан устун ва афзал эканлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда, шу жумладан Ўзбекистонда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тўхтовсиз ўсиб бораётганлиги техника тараққиёти суръатларининг янги ривожидан, меҳнат унумдорлиги йил сайин ўсиб бораётганлигидан, мамлакатимиз имкониятлари ва резервлари битмас-туганмас эканлигидан, ишчилар, инженер-техник ходимлар ҳамда хизматчиларнинг қаҳрамонона ишларидан дарак беради.

Республикамиз саноатининг барча тармоқларида йил сайин янги ютуқлар қўлга киритилмоқда. Қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари ўтган йили пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларига кўплаб янги машиналар бердилар. Ишлаб чиқаришга янги техника, илғор технологик процесслар, механизация ва автоматизация кенг жорий қилинди. Рангли металлургия, кўмир, нефть ва газ саноати, кимё, тикувчилик ва бошқа соҳаларда белгиланган топшириқлар бирмунча ошириб бажарилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш плани 102 процент адо этилди.

Шу билан бирга ўтган йилнинг якунлари хўжалигимизнинг айрим тармоқларида кўпгина камчиликлар борлигини ва мавжуд имкониятлардан етарли фойдаланилмаганлигини кўрсатди. 1960 йилда 77 саноат корхонаси, шу жумладан Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашининг 7 корхонаси ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажармади. Бинокорлик ғишти, йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари, шойи газлама ва рўзғор учун керакли холодильниклар ишлаб чиқариш, балиқ овлаш планлари бажарилмай қолди. Айрим саноат корхоналари маҳсулотнинг таннархини камайтириш учун етарли кураш олиб бормадилар. Брак маҳсулот ишлаб чиқариш ва унумсиз харажатлар қилиш натижасида катта исрофгарчиликка йўл қўйилди.

Эндиги вазифа — ана шу камчиликларга хотима бериш, барча саноат корхоналарининг планларни сўзсиз бажаришларига эришиш, меҳнат унумдорлигини тинмай ошира бориб, мамлакатга кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборатдир.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари етти йилликнинг иккинчи йилида катта муваффақиятга эришдилар. Колхоз ва совхозлар янги машиналар олдилар. Бунинг натижасида деҳқончилик ишлари яна ҳам кўпроқ механизациялашди. Қишлоқ хўжалик экинлари майдони 1959 йилдагига нисбатан 42 минг гектар кўпайди ва 3 миллион 20 минг гектарга етди. Ўтган йили пахтачиликда янги техника ва агротехника кўпроқ жорий этилди. Хоразм, Самарқанд областлари ва Қорақалпоғистон АССР пахтакорлари пахта тайёрлаш планини шараф билан бажардилар. Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам давлат планлари ошиғи билан адо этилди. Айрим районлар икки йиллик, баъзи колхозлар уч йиллик гўшт топшириш планларини бажардилар.

Бироқ, Бухоро, Тошкент ва Фарғона областлари ҳамда кўпгина районлар, колхоз ва совхозлар давлатга пахта сотиш планларини бажармадилар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш ўтган йилларга нисбатан бирмунча ошган бўлса ҳам, лекин аҳолининг ўсиб бораётган талабларини тўла қондирмаётир. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қишлоқ хўжалиги ҳали саноат каби тез суръатлар билан ривожланмаётганлигини, индустриянинг қудратли суръатларидан ва аҳоли эҳтиёжларининг ўсишидан кейинда қолаётганлигини алоҳида кўрсатди. Коммунистик қурилиш вазифалари совет кишиларининг фаровонлигини янада оширишни, бунинг учун эса қишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан ривожлантиришни талаб этади.

«Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорида, — **партиямизнинг диққат марказида туриши лозим. Яхши ривожланган қишлоқ хўжалиги бўлмаса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мўл-кўл бўлмаса, социалистик экономиканинг равнақ топиши мумкин эмас. Қишлоқ хўжалигини тўхтовсиз юксалтириш учун кураш — коммунистик жамият қуришнинг энг муҳим шартидир, бу ҳақиқатан ҳам умумхалқ ишидир».**

КПСС Марказий Комитети Пленуми республикамизда пахта ҳосилдорлиги жуда суст ошаётганлигини кўрсатиб ўтди. Қишлоқ хўжалигини, унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни тез суръатлар билан ривожлантириш республикамиз партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотлари ҳамда бутун жамоатчиликнинг асосий вазифасидир. Бунинг учун ҳозирданоқ пухта тайёргарлик кўриш, қишки-баҳорги ишларни ўз вақтида тугаллаш, барча техникани ҳозирлаб қўйиш, далаларга маҳаллий ўғитлар чиқариш ва бошқа ишларни агротехника жиҳатдан пухта ўтказиш лозим.

Етти йилликнинг иккинчи йили якунлари Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқимизнинг фаровонлигини, моддий аҳволини, маданий савиясини ошириш, турмушимизнинг бундан ҳам яхши бўлиши ҳақида қилаётган буюк ишларининг ифодасидир. Мамлакатимизда, шу жумладан республикамизда миллий даромад анча ошди, халқ маорифи, фан, техника, маданият, соғлиқни сақлаш ишлари ривожланди, уй-жой қурилиши ишлари яхшиланмоқда, жуда кўп оилалар янги уйларга кўчиб кирдилар. Булар ҳаммаси коммунизм зафарлари, коммунистчасига яшаш намуналаридир.

Республикамиз меҳнаткашлари етти йилликнинг учинчи йилини янги куч ва ғайратга тўлиб тошган бир вазиятда бошлаб юбордилар. Партиямизнинг XXII съездини чақириш ҳақидаги хушхабар, январь Пленумининг материаллари, айниқса ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқи янги меҳнат зафарларига чорламоқда. Илғор корхоналар ва коллективлар дастлабки кунларданоқ ўз мажбуриятларини ошиғи билан бажармоқдалар. Жуда кўп завод ва фабрикаларнинг ишчилари съезд шарафига янги оширилган мажбуриятлар олмоқдалар.

Етти йилликнинг иккинчи йили якунлари, илғор корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозлар ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалигининг ажойиб новаторлари — пешқадамлари тажрибалари учинчи йил планининг барча соҳаларда муваффақиятли бажарилишидан дарак беради. Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари умумхалқ социалистик мусобақасини кенг ривожлантириб, бутун куч ва имкониятларни етти йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишлари, халқимизнинг ажойиб ватанпарварлик ташаббусига бошчилик қилишлари керак.

Партиямизнинг навбатдаги XXII съездини коммунистик қурилишнинг улуғвор программаларини бажаришда катта ютуқлар билан кутиб олайлик!

ШИМОЛИЙ КАВКАЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

РОСТОВ-ДОН, 31 январь. (ТАСС). Бугун бу ерда Шимолий Кавказ қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгаши очилди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, КПСС Марказий Комитети РСФСР бюроси раисининг ўринбосари Г. И. Воронов, РСФСР Министрлар Советининг Раиси Д. С. Полянский қатнашмоқда.

Кенгашга Украина, Астрахань, Саратов ва Сталинград областларининг қишлоқ хўжалик илғорлари таклиф этилган.

КПСС Марказий Комитети РСФСР бюросининг ва РСФСР Министрлар Советининг топшириғига мувофиқ ўртоқ Г. И. Воронов кенгашни очди.

Ўртоқ Д. С. Полянский Шимолий Кавказнинг колхоз ва совхозларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш чоралари тўғрисида доклад қилди.



МЎЛ-КЎЛ АРЗОН ПАХТА ЕТИШТИРИШ УЧУН

ЧИМБОЙ районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг ўртоқ Қуттибой Уввиев бошчилик қилаётган бригадаси бу ерда мўл-кўл арзон пахта етиштириш учун мусобақанинг ташаббускори бўлиб чиқди.

Бригада машиналардан кенг фойдаланиб, арзон пахта етиштиришни мўлжалламоқда. Чигитни белгиланган миқдорда экадиган сеялкалар тиркалган олтита трактор тахт қилиб қўйилди. Суғориш участкалари ҳам тартибга солинди, шудгор ва ернинг шўрини ювиш ишлари тугалланди. Бригадада агрономия тадбирларини амалга ошириш плани тузилди. Ғўза қатор оралари нуқул икки томонлама ишланади. Ҳосилнинг 70 процентдан кўпроғини механизация ёрдами билан йиғиб олишга қарор қилинди.

Чимбой, Тахтакўпир районлари ва Қорақалпоғистондаги бошқа районларнинг далачилик бригадалари ҳам КПСС XXII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун, комплекс механизациялаштириш асосида пахта етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш учун бошланган мусобақага қўшилмоқдалар. (ЎзТАГ).

Янги мажбурият

Денов районидаги «Ленинизм» колхозининг сут соғувчилари сигирларни боқиш ва парвариш қилишда рязанликларнинг тажрибасини қўлланиб, ўтган йили сут етиштиришни кўпайтиришда яхши натижаларга эришдилар. Бир йил ичида ҳар сигирдан олинган сут аввалги йилдагига нисбатан ўртача 600 килограмм кўпайди. Колхоз давлатга сут сотишда икки йиллик планни бажарди.

Колхоз чорвадорлари КПСС XXII съездининг чақирилиши тўғрисидаги хабарни зўр кўтаринкилик билан кутиб олдилар. Сут соғувчилар Пленум қарорларига жавобан социалистик мусобақани кучайтириб, съезд очиладиган кунгача ҳар бир сигирдан бутун ўтган йилдагидан 350 килограмм кўп сут олишга қарор қилдилар.

Ш. СИДДИҚОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.

Жонажон Коммунистик партиямиз XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Саноат корхоналарида, қурилишларда, колхоз ва совхоз далаларида меҳнат қилаётган кишилар партиямиз съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун кучга-куч, ғайратга-ғайрат қўшиб ишламоқдалар ва янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритмоқдалар. Сиз кўриб турган пастдаги суратдаги йигит Тошкент абразив заводининг токари Баҳодир Собиржоновдир. Ўртоқ Собиржонов партиямиз съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилган минг-минглаб ишчиларнинг биридир. У, смена топшириғини доимо ошириб бажариб, бошқаларга намуна кўрсатмоқда. Иккинчи расмдаги киши етти йиллик илғори—Газли—Когон газопроводи қурилишида ўз меҳнати билан донг таратаётган шу куннинг қаҳрамонидир. Александр Крюков ҳақиқатан ҳам шу куннинг қаҳрамонларидан биридир. У газопровод қурилишида ишлаётган машинистларнинг энг илғори ҳисобланади.

М. Комлев ва **В. Нудлер** фотолари.

ТУРСУНОЙ ОХУНОВА ПЛЕНУМ ҚАРОРЛАРИНИ ПРОПАГАНДА ҚИЛМОҚДА

— Ўтган йили, — деди Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. Қирғизбоев мухбиримиз билан бўлган суҳбатда, — пахта тайёрлаш юзасидан олган мажбуриятимиз уёқда турсин, ақалли планни ҳам бажаролмадик. Шунинг натижасида ҳосилдорлик ҳам камайиб кетди. Эътироф қилиш керакки, биз бошданоқ омма ўртасида ташкилотчилик ишларини кучайтириш, партия ташкилотларининг сиёсий-тарбиявий фаолиятини авж олдириш ва шундай қилиб, колхозчилар, механизаторларнинг бутун куч ва ғайратини юз берган қийинчиликларни изчиллик билан енгишга сафарбар этиш ўрнига ҳамма айбни об-ҳавога тўнкайвердик. Ўтган йили йўл қўйган ана шу хатоларимизни танқидий кўз билан ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш етти йилликнинг учинчи йилида муқаррар муваффақиятга эришиш тадбирларини ҳозирданоқ пухталик билан амалга ошириш имкониятини бермоқда Колхозларда экинлардан юқори ҳосил етиштиришнинг муҳим шарти бўлган шудгорлаш юз процент тугалланган.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми якунларидан илҳомланган колхоз меҳнаткашлари шу кунларда ерга яхоб бериш, минерал ўғитларни ташиб олиш, далага гўнг чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш, техникани ремонт қилиш ишларини қизитиб юбордилар.

Районимиз меҳнаткашлари ҳамқишлоғимиз, бутун мамлакатга донги кетган машҳур механизатор Турсуной Охунованинг КПСС Марказий Комитети Пленумида иштирок этгани билан фахрланмоқдалар. Турсуной Охунова Москвадан қайтиб келганидан кейин ўз колхозидагина эмас, балки бир қанча бошқа колхозларга ҳам бориб, омма ўртасида Марказий Комитет Пленуми ҳужжатларини кенг пропаганда қилишда актив иштирок этмоқда, меҳнаткашларга тарихий Пленум ҳақидаги унутилмас таассуротларини сўзлаб бермоқда. У олдимизда турган вазифалар ҳақида гапириб, Марказий Комитет Пленуми қарорларида белгиланган янги марраларни эгаллаш тадбирларини қуйидан белгилашда ёрдамлашмоқда.

Колхоз правлениелари ва бошланғич партия ташкилотлари артель ишлаб чиқаришининг ҳал қилувчи кадрлари бўлган бригада бошлиқлари составини танлаш ва мустаҳкамлаш, колхозларда трактор-далачилик бригадалари ва тюпкочи звенолар сонини кўпайтириш соҳасида кейинги вақтларда бир қанча муҳим тадбирларни амалга оширдилар. Масалан, ҳозир биргина Киров номли колхозда қишлоқ хўжалик мутахассислари ва механизаторлар бошчилигида 20 трактор-далачилик бригадаси ва тюпкочи звено тузилди. Ҳолбуки, ўтган йили бундай бригада ва звенолар район бўйича бармоқ билан санарли даражада оз эди.

Районимиз ҳақли равишда қаҳрамон Турсуной ватани деб аталади. Аммо колхозларда ўтган йили хотин-қизлардан атиги саккизта механик-ҳайдовчи бор эди, холос. Биз бу йил районимизда турсунойчилар сонини камида 35 кишига етказиш ҳаракатидамиз. Ҳозир Вревская посёлкамиздаги механизация билим юртига бўлғуси хотин-қиз механик-ҳайдовчиларни танлаш ва қабул қилиш тугай деб қолди.

Районимиз колхозчилари ва механизаторлари бу йил ҳосилдорликни камида 5 центнер ошириб, шонли Коммунистик партиямизнинг XXII съездини муносиб меҳнат зафарлари билан нишонлаш учун зўр ижодий ғайрат ва ташаббус билан астойдил ишламоқдалар.

БУЛАР ПЛЕНУМДА ТИЛГА ОЛИНДИ

«ИСКРА» ШОЛИСИ

КПСС Марказий Комитети январь Пленумида Сурхондарё областидаги «Искра» колхози шоликорларининг ишларига юксак баҳо берилди. Бу колхоз ўтган қишлоқ хўжалик йилини яхши кўрсаткичлар билан якунлади. 550 гектар ернинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 70 центнердан шоли етиштирилди. Бу миқдор республикадаги ўртача кўрсаткичдан уч баравар кўпдир. Қалин экилган «Узрос 7-13» навли шолидан эса ҳар гектардан 103 центнердан ҳосил олинди. Ёз ойларида иссиқлик температураси йиғиндиси уч минг даражадан ошадиган Ўзбекистоннинг Жанубий районлари иқлими шароитида шолининг ана шу кечпишар юқори ҳосилли нави яхши ўсади. «Узрос 7-13» навли шолининг дони йирик бўлиб, ерга ётмайди ва унинг дони тўкилмайди, шу билан бирга касалликларни ўзига юқтирмагани ҳолда, гуручнинг сифати ҳам яхши бўлади. Колхозда шолининг ана шу қимматли навини кўпайтирадиган махсус элит хўжалиги ташкил қилинди.

Илғор шоликорлар КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорларини якдилона маъқуллаб кутиб олдилар. Улар жонажон партиянинг XXII съездини меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонлашга сўз бердилар.

Колхоз раиси Ли Сун Сен бундай деди: Бу йил шолипоя майдонлари икки баравар кенгайтирилади, етти йилликнинг охирига бориб эса уч ярим минг гектар ерда шоли етиштириладиган бўлади. Амударё соҳилларида жойлашган Маймун ярим оролининг ғарбий қисмида қарийб тўрт минг гектар ерда янги шолипоялар ташкил қилинади. Ерни текислаш учун ер қазийдиган машиналар, қайир ерларни очиш учун ботқоқзорларда ишлай оладиган махсус плуглар тиркалган кучли тракторлар бу ерга юборилди, минерал ўғитлар ташилмоқда. Кўкламгача беш юз гектарга яқин янги шолипоялар тайёрланади. (ЎзТАГ).

ПЕЧЬ ИХЧАМЛАШТИРИЛГАНДА

«Чирчиқсельмаш» заводида вертикал қурилиш конвейери ишга туширилди. Қуйиш ишлари учун стержиллар қуритиш 60 минутгача етказилди. Бу— эски конструкциядаги печларда сарф қилинган вақтдан уч баравар камдир. Янги печь олдинги печга қараганда тўрт баравар кам жойни эгаллайди. (ЎзТАГ).

СУТ-ТОВАР ФЕРМАСИДА

Найманбўстонлиқ Мирза ака Хонхўжаевлар оиласида ишга яроқли беш киши бор. Буларнинг деярли ҳаммаси чорвачилик фермаларида хизмат қилади. Қишлоқ марказида жойлашган сут-товар фермаси табелчининг рўйхатида оилада митти бўлса ҳам, Тошхон Мирзаеванинг номи биринчи юради. Ундан кейин бошқалар ёзилади. Фермага биринчи бўлиб оиланинг бошлиғи ота ишга келган эди. Шундай бўлса ҳам, қизи ундан ўзиб кетди. Тошхоннинг фермага келиши шундай бўлган эди: Тошхон 1957 йили еттинчи синфни битирди. Ўқишни давом эттиришмиишлашми—ўйланиб қолди у. Ишга қаерга бориш керак? Ёш қиз дугоналари билан маслаҳатлашди, ўз фикрини онасига айтди: !

— Отам фермада ишлайди. Мен кўпдан бери сут соғувчи бўлишни ҳавас қиламан.

— Ҳунарга ҳавасинг яхши қизим, лекин ҳали ёшсан, сигирга кучинг етмайди,—жавоб берди онаси.

Онасининг гапига қониқмади қиз. Негадир онаси уни авайлаётгандай туюлди. Кечқурун колхоз правлениеси жойлашган бинога борди. Раисни кўп кутди. Бошқаларга юрагидаги сирни айтмади. Қизнинг бахтига райком бюроси мажлисидан қайтган раис тўғри идорага келди.

— Мени сут-товар фермасига юборинг, — уялинқираб гапирди Тошхон.

Раис жилмайди.

— Яхши, фермага юборамиз. Сен ҳали ёшсан-ку. Сал каттароқ бўл, кейин кўрамиз, — маслаҳат берди раис. Қизнинг авзойи бузилганини кўрган раис Тўланбой Жалонов қўшимча қилди:

— Майли, ҳозирча фермага бориб табелчилик қилиб тур, сутларнинг ҳисобини оласан. Шарт битта: ўқи.

Тошхон табелчилик қилар экан, сут соғувчиларнинг ишларига диққат билан разм солиб юрди. Моҳир сут соғувчи Ҳанифа Эшмуродованинг чаққон ҳаракатлари қизни қойил қолдирарди. Ҳанифа йўқ вақтларда унинг сигирларини Тошхон соғарди. Шу тариқа икки йил ўтди. Бир кун фермага раис келди. Тошхон сут соғувчиларнинг ишлари ҳақида унга гапириб берди ва раисдан сўради.

— Энди сут соғувчи бўлиб ишласам майлими, фермадаги ишларни ўргандим.

— Балли синглим, мана энди сут соғувчи бўлсанг арзийди. Бир группа сигирларни ол, мустақил ишла!

Шундай қилиб Тошхон сут соғувчи бўлиб олди. Тошхон бир йил соғувчи бўлиб ишлади-ю, ҳамманинг оғзидан тушмай қолди. Чунки у, биринчи йилиёқ ҳар бир сигирдан 5600 килограмм сут соғиб олиб, ҳаммани қойил қилган эди.

Тошхон хизмат қилаётган сут-товар фермаси комсомол-ёшлардан иборат. Бу ерда ишчан, ҳар бир нарсага қизиқиб қарайдиган кишилар меҳнат қилади. Найманбўстондаги сут-товар фермасида яқиндагина сут соғувчи бўлиб ишлаган Тошхон Халилова бугун фермага раҳбарлик қилади. Ферманинг сут соғувчилари опа-сингиллардек меҳнат қилишади, ўқишади, ўрганишади илғор тажрибаларни ўртоқлашишади.

Тонг ёришдими—сут соғувчилар оёқда. Ҳамма жойда иш бир меёрда кетади. Тартиб-интизом қаттиқ йўлга қўйилган. Шу туфайли сут кўпаяяпти. Ҳозир ҳар бир сигирдан кунига ўртача 9,5 килограммдан сут соғиб олинмоқда. Тошхонники эса 12-13 килограмм, мажбурият катта. Қизлар буни бажариш учун астойдил курашмоқдалар ва яхши натижаларга эришмоқдалар. Фермадаги қизларнинг ҳар бирида 11-12 бошдан сигир бор. Бу йил сигир бошига 5-6 минг килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилишган. Тошхон Мирзаева ўтган йили ҳар бир сигирдан 5800, Патилахон Давлатова 4900, Шарофат Маткаримова 3700, Ҳанифа Эшмуродова 3650 килограммдан сут соғиб олди.

Ферма мудири Тошхон Халилова фермадан чиқиб, қишлоққа йўл олган эди, ўқувчи қизлар уни ўраб олишди. Ўқувчилардан бири фермадаги ишлардан гапириб беришни илтимос қилди. Ферма мудири ўз колхози—Охунбобоев районидаги Максим Горький номли колхоз ўтган йили чорва маҳсулотлари етиштиришда Фарғона областида биринчиликни олганини мароқ билан сўзлаб берди.

И. ТЎХТАСИНОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

СССРДА ЖАМОАТ МАТБУОТ АГЕНТЛИГИНИ ТУЗИШГА ДОИР

СССР Журналистлари союзи, СССР Ёзувчилар союзи, Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа Совет жамиятлари союзи ҳамда Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи Бутуниттифоқ жамияти вакилларининг яқинда Москвада бўлган кенгашида Жамоат матбуот агентлиги тузишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида фикр олишилди. Бу агентлик Совет Иттифоқи телеграф агентлиги билан бир қаторда СССР оммавий жамоат ташкилотларининг мустақил информацион органи сифатида ишлаши керак.

Шу мақсадда информация манбаларини кенгайтиришни халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва дўстликнинг муҳим воситаси деб билган ва юқорида номлари кўрсатилган СССР жамоат ташкилотлари Жамоат матбуот агентлигини таъсис этишда ташаббус кўрсатишга қарор қилдилар.

Кенгаш қатнашчилари шу агентликни ташкил қилиш ва унинг галдаги фаолияти ҳамда шу агентлик уставини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган амалий масалаларни қараб чиқмоқ учун шу йил февраль ойида Москвада агентлик таъсисчилари конференциясини чақириш тўғрисида келишиб олдилар.

ОММА БИЛАН АЛОҚА — КУЧ МАНБАИМИЗ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Шаҳар партия ташкилоти ўтган 1960 йилда хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида анчагина муваффақиятларга эришди. Партия ташкилоти ва коммунистларнинг кенг меҳнаткашлар билан алоқасининг тобора кенгайиб ва мустаҳкамланиб бориши, сиёсий ва хўжалик масалаларни ҳал этишда оммага таяниши бу муваффақиятнинг гарови бўлди.

КПСС XXI съезди ва партия Марказий Комитети Пленумларининг хўжалик қурилишга раҳбарликни яхшилаш юзасидан белгилаган тадбирлари меҳнаткашларнинг сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигини оширди. Бу тарихий ҳужжатлар шаҳар партия комитетининг пленумларида, партия активи йиғилишларида, бошланғич партия ташкилотларида, ишчилар, инженер-техник ходимлар, зиёлиларнинг йиғилишларида атрофлича муҳокама қилинди.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда ва уларнинг ижодий фаолиятини оширишда доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашлари катта роль ўйнамоқда. Кенгаш аъзолари составига малакали ишчилар, инженер-техник ходимлар ва бошқа касб эгалари жалб этилган. Улар коллектив билан ҳамкорликда у ёки бу масалани ҳал қилиш юзасидан оператив тадбирлар белгилайдилар, техника тараққиётини тезлатишга доир янги резервлар ва имкониятларни қидириб топадилар, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш йўлларини аниқлайдилар.

В. И. Ленин номидаги «Красный двигатель» заводи, суперфосфат ва 1. 2-механика заводлари, кўпгина фабрикаларда ишлаб чиқариш кенгашлари айниқса самарали ишлаяпти. Шаҳар партия ташкилоти ана шу кенгашларда тўпланган бой тажрибаларни умумхалқ ҳаракатига айлантирмоқда.

Шаҳар партия ташкилоти ҳисобидаги 9 мингдан кўпроқ коммунист ўзининг билими, куч-ғайрати, диққат-эътиборини етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажаришга қаратмоқда, улар партиясизлар оммасини меҳнатда янги ғалабалар сари илҳомлантирмоқда. Коммунистларнинг 80 процентдан кўпроғи ишлаб чиқариш ва маданий қурилишнинг ҳал қилувчи участкаларига қўйилган. Шаҳар партия комитети коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлигини таъминлаб, бошланғич партия ташкилотларининг таъсир доирасини кенгайтирмоқда.

В. И. Ленин номидаги «Красный двигатель» заводи, суперфосфат ва 1-механика заводлари, 3-авторемонт заводи, 150-қурилиш тресги ва бошқа саноат корхоналари ҳузурида ташкил қилинган маъмуриятнинг хўжалик фаолиятини контроль қилувчи комиссиялар партия ташкилотлари билан омманинг алоқасини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлди. Касаба союз ва комсомол ташкилотларининг фаолиятини кучайтириш ҳам омма билан алоқани янада мустаҳкамлашда катта роль ўйнамоқда.

Шаҳар партия ташкилоти коммунистлар ва партиясизлар оммасининг техника тараққиётини кенг жорий этиш йўли билан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳақидаги таклиф ва мулоҳазаларини, катта-кичиклигидан қатъи назар, ишлаб чиқаришга дадил жорий этишда уларга амалий ёрдам кўрсатаётир.

«Красный двигатель» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ўтган йили мингдан ортиқ рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари киритдилар. Аммо корхонанинг собиқ раҳбарлари бу таклифларни амалга оширишда консерваторлик қилдилар. Масалага шаҳар партия комитети аралашгач, 812 таклиф амалга оширилиб, давлатга 800 минг сўм фойда келтирилди. Заводда маҳсулотнинг жуда кўп янги хилларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорлари техника тараққиётини тезлатишда жанговар программа бўлди. Бу тарихий ҳужжатдан илҳомланган коллектив меҳнат унумдорлигини кўзда тутилгандан 8 процент оширди, қишлоқ хўжалик машиналари учун пландан ташқари 3 миллион 400 минг сўмлик запас қисмлар тайёрлаб берди. Маҳсулот таннархи 1 миллион 100 минг сўм камайтирилди. Бу кенг меҳнаткашлар оммаси орасида олиб борилган сиёсий-оммавий ишларнинг дастлабки самарасидир.

Етти йилликнинг учинчи босқичи — 1961 йилда завод коллективи олдида катта ва шарафли вазифалар турибди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилга қараганда анча кўпайтирилиши, машиналар модернизация этилиши, халқ хўжалигига ҳар қачонгидан кўпроқ арзон, чидамли ва сифатли запас қисмлар етказиб берилиши керак. Буни коллектив жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам улар барча резервларни ишга солиб, йил бошиданоқ корхонанинг бир меёрда ишлашини таъминлаш учун курашмоқдалар. Партия ташкилоти коммунистларнинг авангардлиги, партиясизлар оммасининг ташаббускорлигини оширишга интилмоқда. Бунда пропаганда ва агитациянинг матбуот, радио, лекция, суҳбат, кинофильмлар кўрсатиш, виставкалар ташкил қилиш, семинарлар, тажриба алмашиш кечалари уюштириш каби форма ва методларидан кенг фойдаланилмоқда.

Ҳар ойнинг бошида барча цехлар ва ёрдамчи участкаларда йиғилишлар, кенгашлар ўтказилиб, ўтган ойдаги муваффақиятлар ва янги ойдаги вазифалар белгилаб олинади. Ойнинг 13 ва 16-кунлари социалистик мусобақа якуни эълон қилинади. Ишлаб чиқариш новаторлари коммунистик меҳнат бригадаси ва зарбдори деган номни олишга тавсия этилади.

Омма орасида ишлаш, унинг ижодий қобилиятини оширишда шаҳардаги шойи тўқиш фабрикаси партия ташкилоти ҳам анчагина тажриба тўплади. Партия ташкилоти етти йилликнинг учинчи йилидаги топшириқларни ҳар бир ишчи, инженер-техник ходимнинг онгига сингдирди ҳамда улар эгаллаши лозим бўлган маррани белгилаб олишда амалий ёрдам кўрсатди. Натижада цехлар, бригадалараро ва якка тартибда социалистик мусобақа авж олиб кетди. Ҳар бир ишчи бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлаш, халқимизнинг дидига мос келадиган ипак газламалар етказиб беришни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Умерова ва Кузнецова ўртоқлар бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари ойлик планларни мунтазам 115-120 процентдан бажармоқдалар. Бундай бригадалар ва зарбдор ишчилар шаҳардаги бошқа саноат корхоналарда ҳам жуда кўп.

Шаҳар бўйича 60 бригада, смена ва коллективга коммунистик меҳнат бригадаси, сменаси ва коллективи деган ном берилди. 3000 дан кўпроқ ишчи бу номни олиш учун курашмоқда.

Юқорида айтиб ўтилганидек, шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари ўтган йили яхши натижаларга эришдилар. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан илгари бажарилиб, пландан ташқари 105 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланди. Кейинги бир йил ичида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 164,6 миллион сўмлик кўпайди. Бу шаҳар саноат корхоналарида ҳали фойдаланилмаётган жуда катта резервлар ва имкониятлар борлигидан далолат беради. Биз 1961 йилда янада каттароқ муваффақиятларга эришиш учун омманинг активлигини, ташаббускорлигини янада оширишимиз, партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини кучайтиришимиз, кенг меҳнаткашлар оммасининг қалбига йўл топа билишимиз керак. Шундагина белгиланган маррага муддатидан илгари етилади.

Шаҳар саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларининг коллективлари, маҳаллаларнинг аҳолиси, студентлар — хуллас бутун халқ коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Москва Кенгашининг якунлари ҳамда барча халқларга қаратилган Мурожаатини зўр мамнуният билан кутиб олдилар. КПССнинг XXII съездини чақириш ҳақидаги хушхабар барча меҳнаткашларни ғоят қувонтирди.

Партия XXII съездининг чақирилиши муносабати билан ўтказилган митингда «Кинап» заводининг коллективи юксак социалистик мажбурият олиб, ватанпарварлик намунасини кўрсатди. Коллектив етти йилликнинг учинчи йили топшириғини 25 декабрда бажариш, пландан ташқари 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини пландагига нисбатан бир процент ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва пландан ташқари жамғарма тўплаш ҳисобига 4 миллион сўм фойда келтиришга қарор қилди. Суперфосфат заводи, локомотив депоси, чой қадоқлаш фабрикаси, консерва заводи ва бошқа саноат корхоналарининг коллективлари ана шундай юксак мажбуриятлар олдилар.

Самарқанд шаҳар партия ташкилоти кенг меҳнаткашлар оммасига таянган ҳолда етти йилликнинг учинчи йили топшириқларининг муддатидан илгари бажарилишини таъминлайди ва КПССнинг XXII съездини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олади.

Т. РОЗИҚОВ,

Самарқанд шаҳар партия комитетининг секретари.

ЯХШИ

УРГАНЧ. Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамият Гурлан район бўлими лекция пропагандасини кучайтириш мақсадида 9 колхозда лекторлар группаси ташкил қилди. Лекторлар орасида агроном, зоотехник, медицина ходимлари ва бошқа касб эгалари бор. Иван Пак, Ким Сан, Сергей Пак, М. Бобожонов, Нам Хин каби лекторлар қисқа вақтда колхозчилар орасида «Колхозимиз етти йилликда янада яшнайди», «Механизация ва меҳнат куни», «Ичкиликнинг зарари» ва бошқа темаларда ўндан ортиқ лекция ўқидилар.

М. АБДУРАҲИМОВ.

* * *

НУКУС. Қорақалпоғистон автоном республика радио эшиттириш ва телевидение комитети радио эшитувчиларнинг конференциясини ўтказди. Комитет раиси М. Қалимбетов радио эшитувчиларга 1960 йилда қилинган ишлар ва 1961 йилдаги режалар ҳақида ахборот берди.

Конференцияда сўзга чиққан радио эшитувчилардан Ж. Оймирзаев, Қ. Дўсонов, А. Султонов ва бошқа ўртоқлар КПСС XX, XXI съездлари, партия Марказий Комитетининг пленумлари қарорларини радио орқали пропаганда қилишда анчагина муваффақиятларга эришилганини таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек, эшиттиришлар программасини янада бойитиш, комитет ҳузурида радио университети, музика лекторийси ташкил қилиш ҳақида маслаҳатлар бердилар.

Н. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

* * *

ШЕРОБОД. Райондаги Сталин номли колхоз бошланғич партия ташкилоти сафи илғорлар ҳисобига кенгаймоқда. Кейинги бир йил ичида меҳнатда ўрнак кўрсатган, коммунистик ахлоқ қоидаларига риоя қилаётган, партия топшириғини намунали бажараётган, ўзининг сиёсий онгини ошириш йўлида қунт билан ишлаётган колхозчилардан 22 киши партия сафига қабул қилинди. Булар орасида механизатор Муста Жабборов, чўпон Рўзиқул Чориев, ферма мудири Холмурод Алиёров ва бошқалар бор.

С. ЗИЯЕВ.

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРГА ҲАВАС

Бухоро область партия комитети ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга саноат ва қишлоқ хўжалиги экономикаси асосларини ўргатиш юзасидан тегишли тадбирлар белгилади. 1960—1961 ўқув йилида янгидан 377 бошланғич тўгарак ташкил этилиб, уларга 10 минг киши тортилди.

Меҳнаткашларнинг бир қисми лекторийларда, техника-иқтисодий мактабларда, назарий конференцияларда қатнашиш йўли билан ўз иқтисодий билимини оширадилар. Сиёсий иқтисод ва конкрет экономикани ўрганиш тўгаракларининг сонини янада кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Масалан, Когон районида шу вақтгача 29 тўгарак ва семинарда 700 га яқин киши ўз иқтисодий билимини ошираётган бўлса, эндиликда иқтисодий тўгараклар сони 82 тага, улардаги тингловчилар эса 1841 кишига етди. Темир йўл станцияси партия ташкилоти 1960—1961 ўқув йилида станциядаги ишчилар ва хизматчиларни транспорт конкрет экономикаси билан қуроллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Ғиждувон, Навоий районларида янгидан 40-45 конкрет экономика асосларини ўрганиш тўгараклари ташкил этилди.

Партия ташкилотлари иқтисодий билимлар пропагандаси савиясини ошириш ҳамда тўгарак, мактаб, семинарлар раҳбарларини танлаш ва тарбиялаш ишига катта эътибор бераётирлар. Пропагандистлар орасида раҳбар ходимлар, мутахассислардан ташқари ишлаб чиқаришни яхши биладиган мастерлар, бригада бошлиқлари, чорвачилик фермаларининг мудирлари ҳам бор.

Яқинда область партия комитети янгидан ташкил этилган қишлоқ хўжалик конкрет экономикаси асосларини ўрганиш тўгараклари раҳбарларининг уч кунлик семинарини ўтказди. Семинарда пропагандистлардан 200 киши қатнашди. Улар коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгаши якунига доир, «Коммунистчасига ишлаш ва яшаш», «Хўжаликни бошқаришни ўрган», «Колхоз ва совхозларда ишлаб чиқариш фондларидан тўғри фойдаланиш йўллари», «Меҳнат унумдорлигини ошириш — мўл-кўлчиликка тутилган йўл», «Маҳсулот таннархини камайтириш — ижтимоий бойликнинг ўсиш манбаи», «Халқаро аҳвол» тўғрисида ва бошқа темаларда доклад ҳамда лекциялар тингладилар.

Ғ. ЛАТИПОВ.

ВЕНТИЛЯТОР ПАХТА ЮКЛАЙДИ

Андижондаги «Коммунар» заводи гигант вентилятор ишлаб чиқарди. «У9ВТХ» маркали бу механик юкловчи машина пахтачилик ишларини комплекс механизациялашда муҳим аҳамиятга эга. Бу машина пахтакорнинг оғир ишини енгил қилади, терилган пахтани бунтларга жойлаштириш, ёки автомашиналарга ортиш ишларини бажаради.

Улкан вентилятор бир соат мобайнида 10-12 тонна пахтани 80 метргача бўлган масофада бунт қилиши ёки автомашиналарга ортиши мумкин. Машинанинг қуввати 18,5 киловатт. Унинг ичидаги ҳавони ҳайдайдиган механизм минутига 1460 марта айланади. Вентиляторга тушган пахта диаметри 40 сантиметр бўлган трубадан куч билан отилиб чиқади.

Тошкент области. Қуйлиқдаги шағал карьерида республикада энг йирик ҳисобланган саралаш фабрикаси қурилиши тугалланди. Бу ердаги ҳамма ишлар тўла механизациялаштирилган.

Сиз суратда кўриб турган Камол МАҲМУДОВ (чапда) ва Шукур УМАРОВ саралаш фабрикаси қурилишида яхши меҳнат қилиб ҳаммага намуна кўрсатдилар.

Г. Пун фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

ХИЛМА-ХИЛ ПОЙАФЗАЛ

НАМАНГАН, (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг партия XXII съездини чақириш тўғрисидаги қароридан илҳомланган Наманган пойафзалчилари меҳнат унумдорлигини ошириш маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш ва кўплаб материал ҳамда маблағ тежаш учун курашни қизитмоқдалар.

Бу ерда пойафзал турларини кўпайтириш топшириғи ошириб бажарилди. Маҳсулот таннархи кескин камайди. Фабриканинг якка буюртмалар цехи корхона ва буюртмачиларнинг материалларидан пойафзаллар тикиб бераётир. Буюртмалар ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилмоқда.

Фабрикада илғор ҳисобланган Григорий Сачков бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси пландан ташқари 30-35 процент юқори сифатли оёқ кийимлари тайёрлаб беришга аҳд қилди. КПСС XXII съезди шарафига меҳнат вахтасида турган бу бригада шу кунларда ғайрат билан ишламоқда.

ИЛМИЙ МАРКАЗ

«Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали ахбороти»нинг биринчи сони босмадан чиқди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали кенгашининг раиси, филология фанлари кандидати Марат Нурмуҳаммедов «Қорақалпоғистонда фаннинг аҳволи ва унинг вазифалари» сарлавҳали мақоласида илмий муассаса ташкил топгандан буён ўтган бир йил мобайнида тарих, тил ва адабиёт институтлари, паразитология, ихтиология ва гидробиология лабораториялари, кимё ва бинокорлик материаллари лабораториялари, ботаника, иқтисодий тадқиқотлар, табииёт секторлари, ботаника боғи, тарих-ўлкашунослик музейи, илмий кутубхона, картография ва фотосурат бюроси ташкил қилинганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Бу илмий муассасаларга маҳаллий миллат кишиларидан етишиб чиққан олимлар раҳбарлик қилмоқдалар.

Бир йил мобайнида мутахассислар тўрт юздан кўпроқ кўлни текширдилар ва бу кўлларни балиқ запаслари билан бойитиш юзасидан тавсиялар бердилар, целлюлоза-қоғоз комбинати қурилиши ҳужжатларини ва туз саноатининг бир неча корхоналарини жойлаштириш схемасини ишлаб чиқдилар.

Ёш илмий марказ ходимлари бир қанча материаллар эълон қилдилар. Бу материаллар қорақалпоқ тилида турли дарсликлар яратиш учун асос қилиб олинди. Олимлар қорақалпоқ халқининг тарихи, тили ва адабиёти, санъатини ўрганиш билан боғлиқ бўлган текшириш ишларини ўтказдилар.

Ҳозирги вақтда академия филиали Орол денгизида балиқ запасларини кўпайтириш, Қорақалпоғистонда ва Хоразм областида ондатрани урчитиш проблемалари устида иш олиб бормоқда. Амударё этагида осетр ва бошқа турдаги балиқларни кўпайтириш ишлари билан шуғулланадиган илмий-тажриба база ташкил қилинмоқда. Нефть ва газ соҳасида текшириш ишлари, қамишдан целлюлоза, картон ва сунъий тола ҳосил қилиш технологиясини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган бир қанча лабораториялар очиш юзасидан тадбирлар кўрилмоқда.

Қорақалпоғистон олимлари шу йилнинг охиригача корхоналарга ва турли лойиҳалаш ташкилотларига камида элликта илмий асар тақдим қиладилар.

(ЎзТАГ).

ЧЎЛДА ОБОДОНЧИЛИК

Мана, Бешқўтон массиви. Бу массив 1954 йилдан ўзлаштирила бошланди. Массивга Бойсун районидан юзлаб хўжалик, айниқса, комсомол-ёшлар кўчиб келишиб, «Янгиобод» совхозини ташкил этдилар.

Чўлдаги совхозда муҳташам бинолар, магазин, ошхона-чойхоналар солинмоқда, кенг асфальт йўллар қурилмоқда.

Бу қурилишлар азамат бинокорларнинг меҳнати билан бунёдга келяпти. Қурилиш ишларида Сурхондарё область 7-қурилиш-монтаж бошқармасининг прораби В. Краснов ва қурилиш мастери Д. Бобоқулов ўртоқлар раҳбарлигида қурувчилар ишчанлик кўрсатаётирлар. Совхоз марказида машина-трактор мастерскойи қуриб, ишга туширдилар. Бундан ташқари, совхоз марказида 34 квартира, 4-бўлимда 10 квартира, 3-бўлимнинг Чуқурқишлоқ участкасида 20 квартира, 5-бўлимда 25 квартира ва 6- бўлимнинг Чўчқажар участкасида 36 квартира, жами 125 ишчилар оиласи турадиган уй-жой бинолари қурилди.

Қурувчилар орасида дурадгорлик комплекс бригадаси бошлиғи коммунист Алимовнинг иши диққатга сазовордир. Бу бригада аъзолари уй-жой қуриш ишида айниқса ишчанлик кўрсатдилар.

Совхоз ишчи ва хизматчилари чўлни шаҳарчага айлантираётган қурувчиларнинг шарафли меҳнатидан беҳад миннатдордирлар.

Ж. ТЎРАҚУЛОВ.

САМАРҚАНД ВА БУХОРОДА УЙ ҚУРИШ КОМБИНАТЛАРИ

Ўзбекистон қурувчилари Самарқанд ва Бухоро меҳнаткашларига ажойиб совға тайёрладилар. Ҳар иккала шаҳарда йирик панелли уйлар қуриш янги комбинатлари йиғма панелларнинг намуналарини тайёрлашга киришдилар. Ҳар бир комбинат йилига 35 минг квадрат метр турар жой майдони тайёрлашга мўлжалланган. Демак, ҳар бир шаҳарда ҳар йили индустриал усул билан йиғилган уйларда 1060 квартира фойдаланишга топширилади.

Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигида ЎзТАГ мухбирига айтдиларки, етти йиллик мобайнида республиканинг 16 шаҳрида ва йирик саноат марказларида ана шундай уй қуриш комбинатлари барпо қилинади. Уларнинг умумий қуввати йилига 600 минг квадратметрга яқин турар-жой биноси қуришга етади.

Ҳозир яна иккита уй қуриш комбинати Фарғона ва Наманагандаги комбинатлар фойдаланишга топшириш учун тайёрланмоқда.

(ЎзТАГ).

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДА

МАДАНИЯТ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ

Халқ университетларининг роли тобора ортиб бораётган ҳозирги вақтда бу масалага Фарғона областида катта эътибор беріляпти. Партия ва совет ташкилотларининг ташаббуси билан Қувасойда маданият, Қўқон шаҳрида соғлиқни сақлаш университетлари ташкил этилди.

Университетларда машғулотлар қатъий программа асосида ўтказилмоқда. Қўқон соғлиқни сақлаш университетининг санитария маорифи уйида ўтказилган биринчи машғулотга ишчилар ва уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи хотин-қизлардан 100 дан ортиқ киши қатнашди. Машғулотда болалар консультациясининг бош врачи Б. Фамильянт болалар касалликлари ҳақида лекция ўқиди. Лекциядан кейин кинофильм кўрсатилди.

КОЛХОЗЛАРДА УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНЛАР

Область колхозларида тобора кўпроқ универсал магазинлари очилмоқда. Марғилон районидаги Охунбобоев номли, Тўрақўрғон районидаги Киров номли, Поп районидаги «Коммунизм», Олтиариқ районидаги «Ленинград» колхозларидаги универсал магазинлар аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Ҳозирги пайтда область колхоз қишлоқларида 350 та универсал магазин ишлаб турибди.

ЯНГИ КЛУБЛАР

Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини муваффақиятли юксалтириб, катта даромад олаётган Бағдод районидаги «Большевик» колхозида қурилиш ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Бу ерда ўтган йили қурила бошлаган 800 кишилик ҳашаматли клуб биноси тахт қилиниб, фойдаланишга топширилди. Айни вақтда колхозчилар бу клубда кинофильмлар, концертлар томоша қилмоқдалар.

Бундай кўркам клублар Марғилон районидаги Ленин номли, Куйбишев районидаги «Правда», Қува районидаги Карл Маркс номли колхозларда ва Тўрақўрғон районидаги 2-боғдорчилик совхозида ҳам қурилди.

У. МАДАМИНОВ.

РАВОН ЙЎЛЛАР

ЖЎШҚИН МЕҲНАТ ҲАЁТИ

Хонқага бордим-бордим деганда ўнг томонда шундай манзара кўзга ташланади: узоқларга чўзилиб кетган, ҳар лаҳза сайин улғаяётган тупроқ уюмлари... Бу — йўл қурилиши трассаси. Яхлит, қопқора тупроқ тепаликлари автобаза ёнидан ўнгга бурилади, сал нари бориб тормоқ олади. Биттаси Хевага, иккинчиси Ҳазораспга кетяпти. Хева йўли тикка жанубга чўзиляпти, Ҳазорасп йўли Хонқа район марказини четлаб, темир йўлни ёқалаб ўтади.

Хева йўлини хеваликлар ва урганчликлар қуряптилар. Ҳазорасп йўлининг Хонқадан ўтадиган қисмида хонқаликлар ва қўшкўпирликлар ишлаяпти, қолган қисмини ҳазораспликларнинг ўзлари давом эттирмоқдалар. Буёқда Шовот-Гурлан трассасида ҳам иш кетяпти. Хуллас, шу кунда бутун Хоразм йўл қурмоқда. Қурганда ҳам қойил қилиб қурмоқда.

Трассада чумолидек одам. Йўллар ўтадиган ҳамма жойда — экин ерларида, бир умр гиёҳ кўрмаган тақирликларда, шўр тепиб, кўзни алдаб, қор қоплагандек тус бераётган шўрликларда, ясси тепаликларда, ўнқир-чўнқирларда — ҳамма жойда жўшқин меҳнат ҳаёти. Бутун колхоз қишлоқлари трассага кўчиб келгандек туюлади, ҳақиқатан ҳам шундай!

Трассани кўриб Қорақумда йўл қурганимиз эсга тушди. Халқ қудратига офаринки, улкан йўл ўртасидаги жуда катта масофада тупроқ кўтариш атиги уч ойда бажарилганди. Икки қурилиш, икки трасса. Бири бундан ўн тўрт йил илгари қарор топди, иккинчиси бугун тикланяпти. Иккովини ҳам шу меҳнатсевар халқ қурди, қуряпти. Икковининг ҳам мақсади-мазмуни битта — йўл!

Лекин бугунги трассада қандайдир ўзига хослик, алоҳидалик бор. Бу нима? Бирининг ёзда бўлгани-ю, иккинчисининг қишда қурилаётганими? ёки биттасининг Қорақумда қарор топгани-ю, иккинчисининг эл ичида бўлаётганими. Йўқ, ундай ҳам эмас, бундай ҳам эмас. Техниканинг ўсгани, одамнинг машина билан дўст бўлгани. Механизм мушкулни осон этгани. Алоҳидалик шунда.

Эсимизда: Қорақумда тупроқ кўтаришда битта ҳам машина ишлатилган эмасди. Бугун бутун трасса бўйлаб моторларнинг овози гуруллаяпти. Самосваллар салобат билан тепаликка ўрмалайдилар, аллақаёқлардан келтирилган тупроқни тўкиб яна изга қайриладилар. Оёқ тагида тупроқ бўрсиллаб ётгани ҳолда нега ташиб келтириладн? Бу кишига ғалати туюлади. Ортиқча меҳнат қилиняпти деган хаёлга олиб боради. Ер қадрини деҳқон билади, тепиб олса шўр сапчийди. Шўр Хоразмда экиннинг офатидир. Бульдозерлар тупроқ уюмларини тепаликка итардилар. Машиналарнинг қандайки турлари бор — шу кунда бари трассада. Пахта ташишда ишлатилган прицепли тракторларгача!

НУРОНИЙ ЧОЛ БИЛАН СУҲБАТ

Трасса бўйлаб ўтаётиб ёнбағирда ҳадемай катта бел билан уюмга тупроқ отаётган, тепаликни пардозлаётган чолга кўзимиз тушди. Барваста кўкрагига улуғлик бериб турган узун соқоли оппоқ, кенг пешонасини қуюқ ажин босган, узун киприклар орасида ўзини ичкарига олган кўзлари хира бу мўйсафид хонқалик Матмурод отадир.

— Ота, ёшлар бор-ку, уриниб нима қиласиз? Уйда маза қилиб ўтиравермайсизми? Яна, қишнинг қировли куни...

— Нима десам бўлади. Невара-чевара кўрдим. Атрофимда айланганлари айланган, кенжаси соқолимни тимдалайди, киприкларимни чимдилайди. Шу ҳам бир роҳат, жигар, ҳа... Мен сизга айтсам, бунинг ҳузурини ёшини яшаганлар билади. Шу роҳатга қониб ўтиравересам ҳам бўларди. Лекин бу шарафли ишни кўриб туриб, ўзимни четга уролмадим. Йўл қурганнинг савобига ким етсин! Туяга «ҳайт!» деган мадад деб келавердим-да...

Илгари эрталаб Урганчдан чиққан машина ўнқир-чўнқирлардан умган отиб, зўрға юриб, йўқ деганда ресорининг бир жуфт плитасини синдириб Хонқага кеч кирганда етарди. Бу йўл қайта қурилиб асфальтлангач, шу масофани 15 минутда босяпмиз-ку. Гурлан йўлига тош ётқизилгач йўловчининг сафар фурсати уч баравар қисқарди. Одам ҳузур қилади, машина озор топмайди. Ҳазорасп ва Хева йўли ҳам, Шовот ва Қўшкўпир йўли ҳам шундай бўлади.

ПИРНАФАС ТЎҒРИ АЙТАДИ

Қўшкўпирликлар участкасидамиз. «Москва» колхозидан 400дан зиёд киши ишлаяпти. Ҳар қайсиси «сен тур, мен бир ишлаб олай» деяётгандай. Ёнма-ён туриб тупроқ кўтараётган колхозчилар группаси бригадирини суриштирсак иш топиб тўхтаб турган бульдозер ёнида машинистга кўмаклашаётган кишини кўрсатди. Аҳмад Матёқубов билан иссиқ саломлашдик. Ўтган йили бу баҳодирнинг бригадаси 105 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ошириб «оқ олтин» тўкди.

— Энди трассага келдик. Йўлнинг равон бўлмаса кўнглинг тинчимайди, оёғинг қоқинади. Деҳқончилик иши қўзғолгунча йўлни созлаб олмасак бўлмайди, жўра!

Икки группа, икки бригада ёнма-ён туриб ишлаяпти. Ўн кунда эмас, ҳафтада битказамиз! — «москва»ликларнинг қарори шу.

Янги йўл қурилишида Эгам Машарипов ва Сафо Пирматов, Иброҳим Юсупов ва Комил Давлатовларнинг, шунингдек, яна бошқа йигитларнинг жуда катта меҳнат ҳиссаси бор. Бульдозерчи Пирнафас Ортиқов қурилиш трассасига ўз машинаси билан колхознинг Тўқай участкасидан келган.

— Ўтган йили бир ўзим юз гектардан кўпроқ ер очдим. Бу йилги режам янада катта. Бунисини қойил қилиб, унисига жўнайман. Ҳамкасбларим Юсуф Ёқубов ва Қурбонбой Отамуродовлар ҳам шу ерда. Мусобақани давом эттираяпмиз. Якуни эрта-индин чиқади, натижа сўзсиз яхши бўлади.

Пирнафас тўғри айтади. Ишнинг якуни эрта-индин чиқади. Натижа кўнгилдагидек бўлади. Бунга ҳамма амин. Шунинг учунки, бу қутлуғ, шарафли иш яхши кунларда — партия халққа навбатдаги съездни чақирамиз деб қувончли хабар етказган кунларда бошланди. Бу кунлар улуғ, унутилмас, қалбларда меҳнат ғайратини жўш урдирган кунлар бўлди. Партия жўш урдирган ғайрат булоқдек тошади, қайнайди. Янги зафарларга муяссар этади.

Эгам РАҲИМ.

Урганч.

ПАХТАКОРЛАР УЧУН ЯНГИ МАШИНАЛАР

Пахтачилик бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси пахтакор хўжаликларнинг эҳтиёжлари учун иккита янги машина яратди. Бу машиналар ишлаб чиқариш синовларидан ўтказилиб, ҳозирги вақтда кўплаб ишлаб чиқариш учун Ўзбекистоннинг машинасозлик заводларига берилди.

Кўпгина колхоз ва совхозлар шу йилнинг ўзидаёқ «П У-05» маркали универсал юк ортиш машиналарини оладилар. Бу машиналардан пахтани қоп-қаноқсиз ташиш, пичан йиғиштириш, каналларни тозалаш ишларида, шунингдек қурилиш ишларида кенг фойдаланилади. Ҳисоблаб чиқилишича, 700 та юк ортиш машинасидан фойдаланишнинг бир ўзигина хўжаликларга йилига беш миллион сўм миқдорида иқтисод беради.

Модернизациялаштирилган ва махсус аппаратлар билан таъминланган пуркагич-чанглагич тракторлар ўзларининг юқори тежамлилиги билан фарқ қилади. Бу механизмлардан экинларни қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликлардан тозалаш ишларида фойдаланилганда уларнинг иш унуми одатдагига қараганда икки-уч баравар кўп бўлган. (ЎзТАГ).

ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАСИ

Ўтган йили Чироқчи районида паррандачилик фабрикаси ташкил этилган эди. Колхозлараро бу фабрикага 350 гектар ер ажратиб берилди. Бунинг 20 гектари сувлоқ ер. Фабрикага 15 минг товуққа мўлжалланган товуқхона, 20 минг жўжа сиғадиган жўжахона ва омборлар қурилди. Паррандачилик фермаси хизматчилари учун уй-жойлар тахт қилиб қўйилди. Фабрика ихтиёрига 2 юк автомашинаси ажратиб берилди.

— Биз, — дейди фабрика директори ўртоқ Ш. Мавлонов, — 1961 йилни янги режалар билан бошладик. Яна учта паррандахона қурамиз. Электростанция қурилиб, ишга туширилади. Инкубаторнинг ишга тушиши фабрикамизда айниқса катта воқеа бўлади. Биз шу йилдан бошлаб йилига 100 минг жўжа очиришни мўлжаллаяпмиз. Бу йил фабрикага колхозлардаги мавжуд товуқ фермаларини бирлаштириб, қўшимча 15 минг ҳар хил парранда сотиб оламиз. Паррандалар учун дон-дун ўзимизда етиштирилади. Ҳозир 300 гектар ерга дон экилди.

Фабрикамизда кейинчалик гўшт комбинати қурилади. Ўзимизда етиштирилган гўшт ана шу комбинатда қайта ишланади. Шундай қилиб, — дейди директор, — фабрикамиз коллективи етти йилликнинг охирига бориб давлатга камида 1 миллион парранда етказиб берадиган корхонага айланади.

П. ГАДОЕВ.

Сабоқ бўлди

Ўзбекистон районидаги Сталин номли колхоз ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажара олмай, давлатдан қарздор бўлиб қолди. Колхозчилар ўтган йили мўл ҳосил учун курашда йўл қўйган хатоларидан тегишли хулоса чиқариб, ҳамма ишларни пухта бажармоқдалар.

Колхозда барча ишчи кучлари, транспорт воситалари маҳаллий ўғит жамғариш ва далага ташиб чиқаришга, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва яхоб беришга сафарбар қилинди. Борот Ёдгоров, Имомали Мадалимов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда дала ишлари айниқса жадал бажарилмоқда. Бу бригадаларда ҳар гектар ерга 9 тоннадан маҳаллий ўғит чиқарилди.

Н. АБДУЛЛАЕВ,
А. ФАТТОҲОВ.

Қуйи Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз комсомоллари ёшлардан иборат шоличилик бригадалари туздилар. Шоли майдони ўзлаштирилмаган қўриқ ерлар ҳисобига кенгайтирилмоқда. СУРАТДА: колхоз ер тузувчиси К. КОНСТАНТИН ва илғор бульдозерчи Б. ЗОЛОТОВ шоли учун ўзлаштирилаётган қўриқ ернинг ер структураси ва планировка сифатини кўздан кечирмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Ишимизнинг унуми яхши

«Узбексельмаш» заводига ишга келганимга саккиз йилдан ошди. Бу муддат ичида завод мени уста токарь қилиб тарбиялади. Ишнинг кўзини билиб ишлашим, шунингдек, вақтдан тўғри фойдалана билишим натижасида кундалик нормани ошириб бажара оладиган бўлиб қолдим. Завод маъмурияти менга совет армияси сафидан қайтиб келган собиқ солдатлардан, эндигина ўрта мактабни тамомлаган ёшлардан ўн йигит ва қизни шогирд қилиб берди. Уларга ўз ҳунаримни кунт билан ўргатдим. Шогирдларим ҳам уста токарь бўлиб етишдилар. Ҳозир мен уларнинг қилаётган ишларини кўриб қувонаман. Айниқса В. Чернов билан Т. Йўлдошев ишнинг кўзини билиб олишди. Улар ҳозир кундалик нормани 125 процентгача етказиб бажаришмоқда.

Ўртоқ Ермошкин бошлиқ мен ишлаётган 4-цех кўпдан бери илғорликни қўлдан бермай келади. Шунинг учун ҳам цехимизга «Коммунистик меҳнат бригадаси» деган шарафли ном берилди. Бизнинг коллектив ҳар бир улуғ кун ёки байрамни янгидан-янги меҳнат совғалари билан кутиб олишга одатланиб қолган. КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми шарафига пландан ташқари чигитни квадрат-уялаб аниқ экадиган 200 та сеялка ишлаб чиқариш мажбуриятини олган эдик. Етти соатлик иш кунида меҳнат қилиб, бу вазифани тўла бажаришга муваффақ бўлдик. Ҳозир партиямизнинг XXII съезди ва маҳаллий Советларга ўтказиладиган сайловлар шарафига яна янги оширилган мажбурият олиш ниятидамиз.

Маълумки, республикамиз—пахтакор республика. Чигитни квадрат-уялаб аниқ экиш колхозчи деҳқонларимизни қўл меҳнатидан анчагина озод қилади. Буни назарда тутиб цехимиз коллективи шу йилнинг биринчи кварталида чигитни квадрат-уялаб аниқ экадиган 3000 сеялка ишлаб чиқаришни планлаштирган. Ишимизнинг бориши чакки эмас. Цех бўйича кундалик норма 125 процентдан бажарилиб турибди. Шунинг учун ҳам мен планни муддатидан олдин ошириб бажаришимизга аминман.

Ишимиз шу қадар тиғиз бўлишига қарамай оммавий ишлар билан шуғулланишга, шунингдек, сайловчиларнинг наказларини бажаришга ҳам вақт топа оламан. Кўпинча сайловчилар менга ўзларининг квартирага ва болаларини эса, яслига жойлаштириш тўғрисида мурожаат қиладилар. Шу кунгача мен уларга қўлимдан келганича ёрдам қилиб келмоқдаман. Яна шуни айтиш ҳам керакки, квартира билан ясли анчагина мураккаб масала. Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети бу тўғрида жиддийроқ ўйлаб кўриши керак.

Л. И. МИРКУШКИНА,
Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

ТЎҚИМАЧИЛИК МОЛЛАРИ ВИСТАВКАСИДА

МОСКВА. (**«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбири**). Манежнинг Марказий виставкалар залида Бутуниттифоқ тўқимачилик моллари виставкаси очилди. Унда 250 корхона ишлаб чиқараётган 30 мингга яқин турдаги газламаларнинг энг яхши нусхалари кўргазмага қўйилган. Бу виставка экспонатлари кўплиги жиҳатдан Манежда шу чоққача бўлиб келган виставкаларнинг энг каттаси ҳисобланади. Унда жун, ипак, ип газламалардан тортиб, штапель, синтетик газламагача бор. Майин одеаллар, кўзни қамаштирадиган гиламларга ҳавасингиз келади.

Виставкадаги экспонатлар орасида Ўзбекистон тўқимачиларининг маҳсулотлари алоҳида ажралиб туради. Украина ССР корхоналарининг маҳсулотлари ёнида жойлашган Тошкент тўқимачилик комбинатининг гулдор чит, сатин ва бошқа газламалари томошабинларнинг диққатини тортмоқда. Марғилон ипак комбинати ва Самарқанд шойи тўқиш фабрикаси маҳсулотлари ҳам ўзларининг ёрқин бўёқлари билан кўпгина савдо ходимларининг эътиборини жалб қилаётир.

Шунингдек виставкада Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикаси ва модалар уйи ҳам ўз маҳсулотлари билан қатнашаётир.

Иттифоқчи республикалар савдо министрликлари, центросоюз ва чакана савдо ташкилотлари ҳамда тикувчилик саноатининг Москвага келган вакиллари виставкага қўйилган газламаларнинг намуналарини кўздан кечирмоқдалар, корхоналар билан шартномалар тузмоқдалар.

ЧОРВАДОРЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

«Караваево» наслчилик совхози ҳамма жойдан кишиларни ўзига оҳанграбо каби тортади. Бу хўжаликнинг донги бутун мамлакатимизга, ҳатто чет элларга тарқалган. Бу ерга меҳмонлар, экскурсантлар келмайдиган кун йўқ. Украинада ҳам, Сибирда ҳам, Волга бўйида ҳам, Ўрта Осиё республикаларида ҳам ва кўпгина чет мамлакатларда ҳам Кострома сигирларини қадрлашади. 1959 йилдан бошлаб «Караваево» совхози Кострома қишлоқ хўжалик институтининг ўқув-тажриба хўжалиги бўлиб қолди. Лекин ҳозир ҳам унинг кишилари, меҳнатсевар чорвадорлари илгаригидек фидокорлик билан ишлашяпти.

«Караваево»га бориб дунёга донги кетган сигирларни кўриш, сут булоғини очган меҳнаткашлар билан танишиш ва улар ҳақида газетхонларга ҳикоя қилиб бериш бизнинг орзумиз эди. Мана, энди имконият туғилди. «Караваево» сут фермаларини кўриб чиқдик, Кострома ерлари орқада қолди. Лекин бу ерда халқ манфаати йўлида меҳнат қилаётган ажойиб меҳнатсевар, оддий, камтар совет кишиларини унутиб бўладими!

Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олган 40 киши, шундан икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга сазовор бўлган 6 киши ёнма-ён ишлаётган бошқа бир жой борми!

Анна Смирнова, Евдокия Грехова, Аграфина Нилова, Нина Смирнова, Ульяна Баркова, Лидия Иванова — икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олган бу ажойиб кишилар «Караваево» хўжалигидандир.

Кострома яқинидаги чорвачилик шаҳарчаси жуда чиройли ерда жойлашган. Шаҳарча атрофини ўтлоқлар, ўрмонлар қуршаб олган. Ўқув-тажриба хўжалигида иш куни қуёш чиқмасдан анча аввал бошланади. Ҳали кўл ва пастликлардан сутсимон туман кўтарилмай туриб, сут соғувчилар ишга шошиладилар...

Лекин ёши ўтиб қолган, ўрта бўйли аёл ҳаммадан аввал етиб келади. У — бригада бошлиғи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лидия Павловна Ивановадир. Унинг бригадаси 72 сигирни боқади. Бу сигирларнинг ҳар биридан йилига 6 тоннага яқин сут олинмоқда. Бундан ташқари Лидия Павловна қишлоқ хўжалик институтининг зоотехника факультети студентларининг ишлаб чиқариш практикасига раҳбарлик қилади.

Лидия Павловна бош зоотехник Станислав Иванович Штейман раҳбарлигида студентлар учун алоҳида программа тузиб чиқди. Студентлар бу аёлнинг раҳбарлигида сигир соғишнинг илғор усулларини ўрганадилар. Лидия Павловна студентларга кўрсатадиган усулни бирорта дарсликдан ёки зоотехник справочнигидан топиб бўлмайди. Бу — ҳаёт фанидир.

«Караваево» совхози совет тузуми билан тенгдош деса бўлади. Улуғ Октябрь ғалаба қозонгандан кейиноқ собиқ Кострома губерниясининг чет бир жойида, генералнинг хотини, помешчик Усова ерларида наслчилик сут совхози вужудга келди. Хўжалик ўз ҳаётини қийин шароитда бошлади. Ўша вақтларда ерни ўғитлаш учун бу ерда ҳатто гўнг топилмас эди. Совхоз атрофини ўрмон қуршаб олган, ўтлоқ ҳам йўқ эди. Ўша қийин йилларда Станислав Иванович Штейман совхозга ишга келди. Ҳозир у бутун мамлакатга донги кетган қаҳрамон зоотехникдир. Халқ уни «чорвачилик Мичурини» деб атайди.

Станислав Иванович билан ўқув хўжалигига келганимизда танишдик. Кекса олим қариб қолганига қарамай, ҳали ҳам меҳнат постида. Бош зоотехникнинг столи устида бу тажрибакор олим узоқ йиллар мобайнида яратган жуда кўп асарларни кўрдик. Бу китоблар дунёдаги кўп тилларга таржима қилинган.

Машҳур чорвадор-селекционер кўплаб шогирдлар етиштирди, зотли моллар етиштиришда янги мактаб очди. «Караваево» совхозини чорвачиликда рекорд хўжалигига айлантирди. Бу ерда етиштирилган сигирлар серсутлиги жиҳатидан кўп марта жаҳон биринчилигини олган.

Станислав Иванович Штейман Мичурин биологиясининг принципларини чорвачиликда қўлланди. Ҳайвонларни чатиштирди. Бузоқларни совуқда боқиш усулини қўлланди. Селекционернинг дадил, ижодий иши туфайли совхозда сермаҳсул сигирлар етишиб чиқа бошлади.

Урушдан олдин ҳам совхозда йилига 6 минг килограмм сут берадиган сигирлар бор эди. Уруш даврида ҳам селекция ишлари тўхтатилмади. Улуғ Ватан урушидан сўнг эса бу иш янада кенг тус олди. «Караваево» сигирларининг тарифи бутун мамлакатга ёйилди.

«Послушница» номли сигир 9 ёшида соғин даврида 16262 килограмм сут берди. «Гроза» номли сигир бир болалаганда ундан 16502 килограмм сут олинди. Бу сигирлар устида олиб борилган кузатиш ишлари сигирлардан кўп сут олиш учун 5-6 йил соғишнинг ўзи етарли эмас, деган фикрни чиппакка чиқарди. Масалан, «Гита» номли сигир биринчи туғишидаёқ 15864 килограмм сут берди.

Яқинда ҳам сигир кўп сут берса, тезда нобуд бўлади, умри қисқаради, дейишар эди. «Караваево»да бу гапларга хотима берилди. Узоқ вақт кўп сут беришда ҳам сигирлар рекорд қўйди. Масалан, «Опитница» деб аталган сигир 23 ёшгача сут берди ва шу вақт ичида ундан 117 минг килограмм сут олинди. «Краса» деган сигирдан эса 22 ёшга етгунча 124 минг килограмм сут соғиб олинди.

Сигирнинг сутини кўпайтириш, сутни серёғ қилиш учун кураш караваеволикларнинг доим диққат марказида турибди. Ҳар бир сут соғувчи молларни илмий асосда парвариш қилиш қоидасига риоя қилади.

Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анна Смирнова узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган, Кострома чорвадорларининг шуҳратини оширган кишилардан биридир. Сигирларни бир кунда 6 марта соғишганини, 3 марта тозалашганини қаерда кўргансиз? Сигирларга ўз вақтида ем-хашак бериш, соғиш, тозалаш, сайр қилдириш—Станислав Иванович томонидан ўрнатилган қоидадир. Бу қоидага риоя қилмаслик хўжаликка, ҳайвонларга зарар етказиш деб ҳисобланади. «Караваево» совхозида бўлган ҳар бир киши юқоридаги сўзларнинг ҳақлигига ишонч ҳосил қилади.

...Станислав Иванович Штейман ўз ҳаётини чорвачиликка бағишлаган, камтар кишидир.

— Менинг отам умр бўйи қороллик қилган,—деб ҳикоя қилади Станислав Иванович. — Мен ҳам ёшлигимданоқ Шимолий Двинада ёғоч оқизганман, ҳатто Рига портигача борардим. Қишда эса ёғоч таширдим. Оиламиз оғир ҳаёт кечирарди. Мени Чор армиясига чақиришди. Тўпчи бўлиб хизмат қилдим. Хизмат муддати тугаб, ишга жойлашмасимданоқ, яна қайта чақиришди—Германия билан уруш бошланган эди. Империалистик уруш даврида мени Костромага жўнатишди. Бу ердалигимда Чор ҳукумати ағдарилди. Шундай қилиб, мен ҳам костромалик бўлиб қолдим. Шундан буён совхозда ишлаб келаман.

Селекционер олимнинг асарлари мамлакатимизга кенг тарқалган. Станислав Иванович «Караваево»нинг рекорд сигирлари қандай яратилди, «Сут берувчи молларнинг зотини яхшилаш», «Молларни иситилмайдиган бинода ўстириш», «Сеҳрли таёқча» ва бошқа китобларни ёзди.

«Караваево» мамлакатга йилига 300 дан ортиқ зотли бузоқ етказиб беради. Бу—асосий маҳсулотдир. Ўтган йили бу ерда ҳар юз гектар ер ҳисобига 600 центнердан сут етиштирилди, 550 бош сигирдан 30 минг центнер сут соғиб олинди.

1961 йил учун олинган мажбурият бундан ҳам юксакроқ. Уни бажаришда студентлар ҳам ёрдам беришади, албатта. Ҳар нарсани билишга, ўрганишга қизиқадиган ёшлар «Караваево» чорвадорлари ўнлаб йиллар давомида орттирган тажрибани ўрганишмоқда.

Машҳур чорвадорларнинг шаҳарчаси—«Караваево» ўсмоқда ва обод бўлмоқда. Бу ерда фақат меҳнат жараёнларигина намунали тартибда ташкил қилиниб қолмай, ишчиларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари ва яхши дам олишлари учун ҳам барча шароит яратилган. Магазинлар, омонат кассаси, меҳмонхона, маиший хизмат комбинати, клуб, кинотеатр, ўрта мактаб, касалхона, поликлиника, болалар яслилари ва боғчалари, нон заводи, ҳаммом, кирхона — ҳаммаси чорвадорлар шаҳарчасида бор.

Бугун студентлар «Караваево»нинг хўжайини бўлиб қолдилар. Оддий сут соғувчилар эса бу студентларга таълим беришмоқда. Совхоз ўқув-тажриба хўжалигига айланмасдан аввал уни «Караваево университети» деб аташарди. Энди эса ҳақиқий университетга айланди.

Г. БАХШИЕВА,
Кострома шаҳри, «Караваево» ўқув-тажриба хўжалиги.

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН аҳоли хизматида

ҲАММАСИ СИЗ, БИЗЛАР УЧУН

СУРАТДА: Тошкентдаги 2-прокат пункти. Радио механик (чапда) пахта тозалаш заводининг ишчилари А. Қаҳҳоров ва Т. Аширбоев ўртоқларга «Яуз» маркали магнитафонни қўйиб кўрсатмоқда.

С. Чижиков фотоси.

Бу кун Софиянинг туғилган куни. У ётоқдош дугоналари билан катта зиёфатга тайёргарлик бошлаб юборди. София бу йил университетни тамомлаб, мустақил ҳаётга йўлланма олади. Шунинг учун ҳам қиз бу кунги зиёфатга алоҳида эътиқод билан ҳозирланмоқда. Қани энди ўз ҳовлиси, барча имкониятлар шу ерда бўлса. Узоқда-да.

— Ҳеч қиси йўқ,—дейишди қизлар Софиянинг жонига оро кириб. Меҳрибон дугоналар тўғри Тошкентнинг Олой бозоридаги 1- прокат пунктига йўл олдилар. У ердан вақтинча фойдаланиш учун идиш-товоқлар, радиоприёмник, музика асбоблари, пластинкалар олиб қайтдилар. Дўстлар даврасида ўйин-кулги, хурсандлик қизиб кетди.

Студентларнинг, юзлаб хонадонларнинг ҳожатини чиқариб, уларнинг миннатдорчилигига сазовор бўлаётган бундай прокат пунктлари пойтахтда 3-4 та бор. «Ташхозкульторг» ташаббуси билан «Ташсельмаш» шаҳарчасида, 1-пахта тозалаш заводи яқинида, Паркент бозорида ташкил этилган прокат пунктлари аҳолига намунали хизмат қилмоқда. Уларда аҳоли эҳтиёжи учун керак бўлган ҳамма нарса бор. Телевизор, радиоприёмник, холодильник, самовар, турли хил музика асбоблари, идиш-товоқ, сервизлар шулар жумласидандир.

— Айниқса, хотин-қизларимизнинг уйдаги оғир қўл меҳнатини осонлаштирадиган кир ювиш, тикиш машиналари, пилесослар, полотерларга жуда эҳтиёж зўр,—деди 1-прокат пунктининг директори ўртоқ Хомяков. — Биз хотин-қизларимизнинг талаб ва илтимосларини жон-қулоғимиз билан тинглаймиз. Кир ювиш машиналари, холодильникларни уларнинг уйларига элтиб берамиз. Ҳозир 200 дан ортиқ телевизор ва кир ювиш машиналари кишиларга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат прокат пункти доим кишилар билан гавжум. Биров мотоцикл, биров аккордион, яна биров автомашина сўраб келади.

Прокат пунктларидаги буюмлар кишиларнинг талабларига қараб 3-6 ойлик, 1-2 йиллик муддатлар билан фойдаланишга берилади.

Халқимизнинг моддий-маданий эҳтиёжларини қондиришда прокат пунктларининг хизмати катта. Чилонзор массивида яшовчи кўпгина меҳнаткашлар редакциямизга талаб ва илтимослар билан мурожаат қилишди. Улар аҳоли кўп яшайдиган Чилонзор массивида ҳам прокат пункти очилишини талаб қилмоқдалар.

Дарҳақиқат, ой сайин янги-янги кўркам бинолар қад кўтариб, юзлаб кўчиб бораётган оилалар билан обод бўлаётган Чилонзор массивида аҳолига моддий ва маданий хизмат кўрсатувчи прокат пункти борми? Бу саволга «Ташхозкульторг» директори ўртоқ Болтабоева «бор эди», деб жавоб беради. Чилонзор массивидаги прокат пункти ер тўлага жойлашганидан, бу ер савдо ходимлари учун бутунлай номувофиқ эди. Сув кранлари ёрилиб, асбоблар тез-тез бузилган, вентиляция, канализация ҳам нормал ишламаган.

Шундай қилиб, бу пункт Тошкент область касаба союз ташкилотининг буйруғи билан ёпиб қўйилган. Меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб «Ташхозкульторг» ходимлари шаҳар савдо бошқармаси ва шаҳар ижроия комитетига бир неча бор хат ёздилар. Ҳар гал хатларига «Илтимосларингизни қондиролмаймиз. Чунки Чилонзор массивида прокат пункти учун ертўладан бошқа жой йўқ» деган асоссиз жавоб олдилар. Наҳотки қават-қават ҳисобсиз биноларни ўз бағрига сиғдиролган, даргоҳи кенг Чилонзор массивида биргина прокат пункти учун жой топилмаса?

Эътибор ОХУНОВА.

ЙЎЛ БУЗАРЛАР

Тошкент шаҳар водоканал тресты «водопровод киритамиз» деб Қараганда кўчасини 1958 йилда бошданоёқ қазиган эди. Шундан бери қарийб уч йил ўтди. Трест раҳбарлари бошланган ишни ҳанузгача охирига етказгани йўқ.

Бунинг устига кўчамизни алғов-далғов қилиб ташлаганликларини айтмайсизми? Кўчага на машина кира олади, на уйимизга ўтин-кўмир олиб кела оламиз. Бу тўғрида трест бошлиғи ўртоқ Хўжаевга мурожаат қилиб кўнгилдагидек жавоб ололмадик. Энди кимга мурожаат қилсак экан?

А. Юсупов, М. Жалолов, З. Иноғомов, М. Толипов, К. Икромов, А. Қаюмов, Ф. Эргашев ва бошқалар.

АЛОҚА КОНТОРАСИНИНГ БИР КУНИ

Нукус алоқа конторасн хат, кундалик газета, телеграмма, посилка олаётган ва жўнатаётган кишилар билан гавжум.

Мана, контора залига кираверишдаги столда икки қиз конвертга адрес ёзяпти. Булар Ўрта Осиё политехника институтида сиртдан ўқувчи студентлар Ойимгул Дўстназарова билан Улбека Матёқубовалардир. Улар навбатдаги контрол ишни бажариб институтга юборишяпти.

Ўша куни Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг ботаника боғи ходимлари чет эллик дўстлардан 3 та посилка олишди. Хитой, Чехословакия, Польша Республикаларидан юборилган посилкаларда ҳар хил экинларнинг уруғлари бор эди.

Ҳар куни алоқа конторасига халқ демократияси мамлакатларидан кўплаб хат келади. Мана, стол устидаги конвертларнинг бирига «Халқаро почта» деб ёзиб қўйилган. Бу хат Германия Демократик Республикаси Дрезден шаҳридаги бир мактабнинг 7-синф ўқувчиларидан Қўнғирот районидаги бир мактабнинг 8-синф ўқувчиларига келган. Хат ўша мактабнинг 8-синф аълочи ўқувчиси Наташа Шведковага топширилди. Хатда немис ёшлари рус тилини севиб ўрганаётганликлари ёзилибди. Ўша куниёқ Қўнғиротдан Дрезден шаҳрига хат жўнатилди.

Шаҳар алоқа конторасига бир кунда 3000 дан ортиқ хат, 5000 дан зиёд республика ва марказий газеталар, кўп журнал ва пул қоғозлари келади.

Алоқа конторасининг ходимлари келган хат, газета ва посилкаларни эгаларига ўз вақтида тарқатадилар. Контора ходимларидан Е. К. Самарцева, Л. Т. Аксютенко, П. Пермагамбетов, почтальон Утеген Ермагамбетов ўртоқлар ўзларининг ишчанликлари билан шаҳар аҳолисининг ҳурматини қозонганлар.

Алоқа конторасининг ходимлари аҳолига хизмат кўрсатишни тобора яхшилаш тадбирларини кўрмоқдалар.

И. МАДГАЗИН.

ЭНЕРГЕТИКЛАР ПОСЁЛКАСИ

ШЎРЧИ. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Қумқўрғондаги энергетиклар посёлкаси йилдан-йилга ободонлашиб, кўркамлашиб бормоқда. ГЭСнинг ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари учун уй-жойлар, маданий-маиший бинолар қад кўтармоқда. Асфальт ётқизилган кенг йўлнинг ҳар икки томонига қурилган уй-жойлар бир-биридан чиройли ва кўркам. Яқинда ўндан ортиқ ишчи оиласи янги уйларга кўчиб кирди.

Бу ерда қурилган клуб посёлка аҳолисининг завқланиб ҳордиқ чиқарадиган севимли жойига айланди.

Қиш-бекорчилик эмас

Совуқ зўрайиб, ҳатто ариқларнинг суви қалин музлади. Дарахтларнинг навдасидаги қиров олисдан ўрик гулини эслатади. Шудгор қилиб қўйилган ер кўпчимаган ҳамирдек, лекин тўнглаб ётибди. Ўтган йил худди шу маҳалда қалин қор кўрпаси остида ором олган ер бугун чанқадим, сув бер деяпгандек.

Яқин орада қиш бунақанги қуруқ келмаган эди. Шунинг учун ҳам шаҳандлик миришкор деҳқонлар анча безовта бўлиб қолишди. Ахир, чиллада ер қуриб-қақшаб ётса, баҳорда нима бўлади?

Ёш деҳқонлар экиннинг тилини биладиган, ойнинг чиқиши ва куннинг ботишига қараб фасл қанақа келишини айтадиган Сирожиддин отага шундай савол бериб қолишди.

— Иложсиз нарса йўқ,— деди кўпни кўрган қария қишдан зорланиб, ундан маслаҳат сўраган ёшларга. — Қор бўлмаса, ариқда сув қуриб қолгани йўқ. Ўзимиз қазиган каналда сув оқиб ётибди. Бундоқ музни чақиб, сувнинг жиловини шудгорга бурсаларингиз совуқ уриб кетмайди. Айни яхоб берадиган пайт. Кимки қиш — бекорчилик деса, омади кетгани ўша.

Сирожиддин ота ҳақ гапиради. «Ўзбекистон» колхози қишлоғида мана шу кеча-кундузда бўлган киши деҳқонларнинг ишига астойдил разм солса, ёздаги қизғин меҳнат ҳали сусаймаганлигини пайқаб олади.

Колхоз аъзолари партия Марказий Комитетининг январь Пленумига муносиб совға билан келишди: давлатга салкам ўн минг тонна пахта сотилди. 2000 гектардан ортиқроқ майдон чуқур шудгор қилиб қўйилди. Маҳаллий ўғит тайёрлаш қизғин давом этяпти. Бу ердаги деҳқонлар ўғитни ернинг хамиртуруши дейишар экан. Хамиртуруш қанча кўп тушса, ер шунча кўпчийди, кучи билан куч тўплаб етилиб чиқади. Шунинг учун катта-кичик кеча-кундуз далага кўпроқ гўнг чиқариш пайида. Бу қимматли хамиртуруш далада тўкилиб-сочилиб ётмайди. Балки катта ўраларга — гўнгхоналарга кўмиб қўйилади.

Овчининг зўри шер отар, йигитнинг зўри ер очар, деган гапни дилига тугиб қўйган ғанишерчилар Марказий Фарғона бағрига ҳужум қилмоқдалар.

Бу йил «Ўзбекистон» колхози 1400 гектар янги ер очиб, шундан камида 500 гектарига чигит ташлайди. Ҳозир Бешсерка, Момохон массивларида пол олиб шўр ювиляпти. Ер экишга пешма-пеш тайёрланяпти, кўклам келиши билан кўчат ўтқазиладиган майдон тахт қилиб қўйилмоқда.

Колхознинг бош агрономи Араббой Иброҳимов, бульдозерчи Абдусаттор Мўминов, колхоз комсомол ташкилотининг секретари Пўлатбой Қосимов ўртоқларни шу ерда учратдик. Улар иссиқ кийиниб олишган. Вақтинча қурилган уйнинг печькасида олов чарсиллаб ёниб турибди. Лекин шу оёз кунларда печьканинг ёнида исинишни юрак кўтармайди. Ҳамма ботқоқ қуритилаётган, зах қочирилаётган, янги зовур қазилаётган ерда.

Механизатор ўртоқ Мўминов кучли дизель трактори билан тупроқ суриб, ер текислаётган экан.

— Бу ернинг ҳар бир қаричини кафтдек текисламасак бўлмайди. Баҳорга чиқиб, шу ерга ҳам чигитни квадрат-уялаб экамиз, квадрат ер танлайди, ер текис бўлмаса, режа симини аниқ тортиб бўлмайди.

Шундан сал нарироқда «Ферганаводстрой»нинг Жомашўй биринчи қурилиш-монтаж конторасининг механизаторлари пахтакорларга кўмаклашмоқдалар. 13 гектарча майдон ботқоқ. Шу ернинг захи қочирилиб, сизот суви дарёга ташлаб юборилса, пахта майдони тағин ҳам кенгаяди. Механизаторлардан Валижон Кенжаев, Умматали Муродалиев, Исроил Боқиев, Жалолиддин Жамолиддинов ва Абдулазиз Қосимов ўртоқлар партия XXII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб, фидокорона ишламоқдалар. Экскаваторчилар экипажи совуқни писанд қилмасдан меҳнат қилишяпти. Кунига 800 кубометрдан ер қазилмоқда.

Орифжон Қосимов, Маннонбой Тожиаҳмедов, Йўлдошбой Ҳамроқулов каби шофёрларнинг гўнг ортилган машинаси колхознинг механизациялашган фермасидан дала бошидаги катта гўнгхоналарга бирдек қатнаб турибди. Колхоз устахонасида токарь Саид Аблаев, слесарь Турғунбой Жабборов сеялкаларни созлашяпти, тракторларга керакли қисмларни тайёрлашяпти. Темирчи Йўлдошбой ака Жоматов билан Ашурбой Қосимов темирни тобига келтириб уришяпти.

Йўқ, қиш — бекорчилик эмас. Сирожиддин ота Йўлдошев қиш бекорчилик бўлган замонлар ўтиб кетганлигини тўғри айтди. Зотан, қишлоқнинг ўзи янги, уйлар янги, тўйлар янги, куйлар янги, тонг янги, совет деҳқонидаги онг янги! Шу сабабли деҳқон қишин-ёзин ҳосил тараддудида, «оқ олтин» иштиёқида. Шунинг учун ҳам унинг кўнглида баҳор нашъаси, кўклам завқи.

* * *

Юқоридаги сатрлар партиямиз Марказий Комитетининг январь Пленуми давом этаётган кунларда ёзилган эди. Тарихий анжуман ўз ишини тамомлаб, қишлоқ аҳли Никита Сергеевич Хрушчевнинг «Халқ фаровонлигини ошириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш вазифалари» тўғрисидаги нутқини, жанговар ҳужжатларни бир овоздан маъқуллаётган дамларда Шаҳанд қишлоғида тағин бўлишга тўғри келди.

Колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуллажон ака Мирзааҳмедов Ҳиндистонга қилган сафаридан энди қайтиб келган экан.

— Ўртоқ Хрушчевнинг нутқини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим, январь Пленуми бизга бундан ҳам яхшироқ ишлаш йўлларини равшан кўрсатиб берди, — деди раис ҳамма пахтакорларнинг фикр-зикрини ифодалаб.

Шу кунларда қишлоқда зўр кўтарилиш ҳукмрон. Катта-кичик— ҳамма партиямиз XXII съездини муносиб кутиб олайлик, деб ҳозирдан енг шимариб ишлаяпти. «Ўзбекистон» колхози пахтакорларининг бу йилги ҳиммати баланд: улар 2700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» олишга отланишган.

Ҳамид НУРИЙ,
Бозор ҚАЮМОВ.
Тўрақўрғон райони.

ЛУМУМБАНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ЧАҚИРАМИЗ!

КУБА, БАЛЛИ!

ЯШИЛ ПОГОНЛАРИДА қизил юлдуз чақнаб турган Командантени биз 2 январь куни яна кўрдик. Кўрдиккина эмас, эрталабдан ярим тунгача у билан бирга бўлдик.

Бу кун — аксилинқилобчилар хийла ғимирлаб қолган кунлардан бири эди.

Гавананинг марказий кўчаларидан биридаги «Флогар» кафесида бомба портлади. Бир неча киши, шу жумладан, ёш болалар яраланди. Касалхонада оғир ётган бир боланинг «Фидель, душманларни аяма!» деган сўзлари «Революсион» газетасида босилиб чиқди. «Террорчилар деворга михлансин!» деган шиор тиллардан тушмай қолди. Шаҳар чеккасида бомба заводи қўлга тушди. Вилоятлардаги бир қанча шакарпояга ўт кетди. Америка самолётларининг батистачиларга парашютларда ташлаган қурол-яроғлари ўлжа олинди. Американинг Флорида штатида каллакесарлар босқинга тайёр бўлиб тургани хабар қилинди. Гуантанамодаги Америка ҳарбий базасидан кўтарилган самолётлар Куба территорияси устида уча бошлади. Эйзенхауэр Кубага босқин планини маъқуллади...

Хуллас, ана шундай хатарли кунда революциянинг икки йиллиги байрам қилинди.

Хосе Мартининг улуғвор ҳайкали тагидаги кенг минбар одамларга тўлди. Майдонда қўшин саф тортди.

Парад соат 11 га белгиланган бўлса ҳам Фидель Кастро соат саккиз яримдаёқ майдонга келган эди. Делегациялар, туристлар, милиционер қизлар, мухбирлар уни икки соатча қуршовдан чиқаришмади.

Команданте Фидель бу гал катта дурбин билан қуролланган; шаҳар кўчаларини тўлдирган армияни, милицияни, ҳарбий техникани кўздан кечиргани-кечирган эди.

Парад 8 соат давом этди. Сьерра Маэстра қаҳрамон батальонлари, армия қисмлари, халқ милицияси, танклар, тўплар, зениткалар, миномётлар, қизлар батальонлари... яна аллақанча жанговар қисмлар минбар олдидан ўтди.

КЕЧ КИРИБ, шаҳар чироқлари ёнди. Гавана оқшомининг томошаси ўзи бир бўлакча нашъа беради. Чироқларнинг зангори тизмалари, яшил нур ирмоқлари, соҳил мачталаридаги қизил маяклар, оқ шодалар, новвот ранг шокилалар...

Ана шундай гўзал оқшомда аскарлардан, ҳарбий техникадан бўшаган майдонга оғир юк машинаси мажақланган Америка ракетасини судраб кирди!...

Бўлди шовқин, бўлди қийқириқ, бўлди чапак!..

«Қаноти билан учиб, қуйруғи билан тушган» бу ракета Куба тупроғида бечора бир сигир устига йиқилган ва шу муносабат билан деҳқонлар АҚШ элчихонасига норозилик билдириб, намойиш қилган эдилар.

Ана энди шу пачақ ракета Америка урушқоқлари шармандалигидан бир нишона бўлиб, озод Куба халқи қаҳр-ғазабини авж олдириб юборди.

Шу ҳаяжонли дақиқада «Интернационал» чалинди.

Бир неча юз минг халқ оёққа қалқиб, жаҳон пролетариати гимни ўнлаб тилларда янгради.

Халқ тантанаси тобора қайнади.

Милиция аъзоси — новча негр жувон жингалак сочли қоп-қора чақалоқни боши устига кўтариб, минбарга қичқирарди:

— Фидель, мана сенинг бўлажак солдатинг!

Команданте чақалоқни кўрди, унга қўл силкди, жилмайди-да, негр жувонга:

— Бахт учун туғилган боланг! — деди.

ШУ ВАҚТ 1895-1898 йилларда Антонио Масео ва Хосе Марти билан биргаликда испан босқинчиларига қарши курашган ветеран чоллар минбарга Куба байроғини кўтариб чиқишди.

Команданте Фиделнинг кўзларида севинч ёшлари ғилтиллади.

Ана шунда Фидель Кастро ўз нутқини бошлади. У революциянинг икки йили ичида қўлга киритилган ютуқларни қисқа-қисқа, лўнда-лўнда айтиб берди. Чунончи, 200.000 кишининг иш билан таъминланганини айтаркан:

— Кимки, иш олган бўлса, қўл кўтарсин! — деди.

Улуғ майдон осмони юз минглаб қадоқ қўлларга тўлди. Шу манзарани кўрган команданте Фиделнинг ўз ҳаяжонини босолмаётгани сезилиб турибди.

— Америка империализми ана шунинг учун бизни бўғмоқчи!

Оломон ҳайқирди:

— Бўғолмайди!

— Фидель! Фидель! Фидель!

— Венсеремос! (Енгамиз!)

—Биз ҳар бир уйни мудофаа қиламиз, — деди Команданте. — Уйлар харобаларга айланса, харобаларни ҳам мудофаа қиламиз!

Уч соатлик нутқнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир жумласи кубаликлар юрагига бориб етди. Ундаги мантиқ шу қадар тушунарли эдики, ҳеч қандай изоҳга эҳтиёж қолмасди.

Фидель Кастро ўз халқининг қалбини тушунган, шу қалб орзу-умидларини ифода қила билган раҳбар сифатида севимли бўлиб қолганига ҳар бир холис киши қаноат ҳосил қилади.

ГАВАНА ТОМЛАРИДА ёмғир остида тонг оттираётган автоматчи йигитларни, шаҳар кўчаларини қўриқлаётган милиция қизларини, шакарпояларда тун бўйи мижжа қоқмаётган қуролли деҳқонларни, тоғларда мактаб очаётган маэстра (ўқитувчи)ларни кўрганда Фидель кўз олдингизга келади ва Антонио Масеонинг: **«Кимки Кубани босиб олмоқчи бўлса, қора қонга бўялган култепани олади»** деган оташин сўзлари эсингизга тушади.

Америка қитъасидаги халқ революцияси ғалаба қилган афсонавий орол шундай туйғулар билан яшаяпти.

Ҳамид ҒУЛОМ.

(Боши газетанинг 29 январь сонида).

„ПАРТИЯ ТУРМУШИ“НИНГ ЯНГИ СОНИ

«Партия турмуши» журналининг январь сони босилиб чиқди. Бу сон «КПСС XXII съездини янги шонли ғалабалар билан кутиб олайлик» сарлавҳали бош мақола билан очилади. «Ҳозирги замоннинг энг муҳим марксча-ленинча ҳужжатлари» сарлавҳали редакцион мақола, Р. Сахибоевнинг «Пролетар интернационализми ленинча идеяларининг тантанаси», Ш. Саломованинг «Хотин-қизларни раҳбарлик ишларига дадилроқ кўтарайлик» сарлавҳали мақолалари журнал саҳифасидан жой олган.

«КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини амалга оширамиз» рубрикаси остида Д. Жакиповнинг «Муваффақиятни ташкилотчилик иши ҳал қилади», Г. Файрушиннинг «Янги, прогрессив нарсаларга — кенг йўл», Н. Юсуповнинг «Етти йилликни бажардик, янги муваффақиятларга эришамиз», Г. Свеновнинг «Кўпроқ арзон пахта етиштирайлик» сарлавҳали мақолаларини ҳам ўқиш мумкин.

«Омма ўртасида сиёсий иш олиб бориш тажрибасидан» рубрикаси остида М. Искандаровнинг «Сиёсий маориф марказлари», М. Алиакбаровнинг «Мустақил ўқишнинг муҳим формаси», Ш. Жумамуродовнинг «Уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи аёллар учун тўгараклар», Р. Фаёзовнинг «Илмий атеистик пропаганда кенгаймоқда», С. Тошматованинг «Қишлоқ меҳнаткашларига кино хизматини кўрсатиш» сарлавҳали мақолалари бор.

„ТЎЙ“

Бухоро область музикали драма ва комедия театри коллективи қардош тожик драматурги Самад Ғанининг «Тўй» комедиясини саҳналаштирди. Асар оилада бола тарбияси масалаларига бағишланган.

«Тўй» комедиясини театрнинг бош режиссёри Аминжон Акобиров саҳнага қўйди. Бош ролларни Ўзбекистон ССР халқ артистлари Н. Неъматова, А. Файзиев, республикада хизмат кўрсатган артист Ҳ. Наимов ва актер А. Маҳмудовлар ижро этмоқдалар. Томошабинлар спектаклни қизиқиш билан кўрмоқда.

СПОРТ

СССР СПОРТ ШАРАФИНИ КИМЛАР ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?

СССР Футбол федерацияси президиумининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда СССР терма командасининг старший тренери Г. Качалин команданинг VII жаҳон чемпионатига тайёргарлиги ҳақида ахборот берди. Федерация президиуми терма командага 26 та энг яхши футболчини киритди. Мамлакат спорт шарафини ҳимоя қиладиганлар қуйидагилар: дарвозабонлар — Л. Яшин, В. Маслаченко, С. Котрикадзе; ҳимоячилар — А. Медакин, В. Петров, И. Нетто, В. Шустиков, Г. Рябов, Г. Чохели, Л. Островский, ярим ҳимоячилар — В. Воронин, Н. Маношин, Ю. Шикунов, Ш. Яманидзе; ҳужумчилар — С. Метревели, О. Базилевич, В. Иванов, И. Численко, В. Серебрянников, В. Понедельник, В. Лобановский, Б. Батанов, В. Бубукин, Г. Ҳусаинов, М. Месхи, Ю. Мосалёв.

Мажлисда СССР биринчилиги учун бўладиган ўйинларнинг («А» класси) календари тасдиқланди, 1961 йилда бўладиган халқаро учрашувлар плани маъқулланди.

Мамлакат биринчилиги 8 апрелда бошланади ва 21 октябрда тугалланади. Дастлабки группалардаги ўйинлар 11 августгача давом этади. Шундан кейин 11 — 22- ўринлар учун курашадиган командалар 16 августда, 1 — 10- ўринлар учун курашадиган командалар 30 августда якунловчи мусобақаларни бошлаб юборадилар.

Бу йилги халқаро учрашувлар ҳам жуда кўп. СССРнинг биринчи терма командаси жаҳон биринчилиги учун бўладиган мусобақанинг саралаш даврида Туркия ва Норвегия командалари билан учрашади, шунингдек Польша, Австрия ва бошқа мамлакатларнинг футболчилари билан ўртоқлик учрашуви ўтказади. СССРга Европа, Жанубий Америка, Осиё ва Африка мамлакатлари клуб командаларининг келиши кутилади.

Совет футболчилари ўз навбатида чет мамлакатларда бўладилар. «А» классидаги командалар 25 марта, «Б» классидаги командалар 20 марта чет элга боради.

КОНГО РЕСПУБЛИКАСИГА ҚАРШИ БЕЛЬГИЯ АГРЕССИЯСИ ТЎХТАТИЛСИН

НЬЮ-ЙОРК, 30 январь. (ТАСС). БМТ ҳузуридаги СССРнинг доимий вакили В. А. Зорин Хавфсизлик Кенгашининг раисига Конгодаги аҳвол юзасидан мактуб юборди. Конго Республикасидаги аҳвол, дейилади мактубда, ҳамма тинчликсевар давлатларни ташвишлантирмоқда, чунки бу аҳволдан фақат Африка халқларининггина эмас, балки бутун дунё халқларининг ҳам тинчлиги ва хавфсизлиги учун реал хавф келиб чиқиши мумкин. Бу ташвиш шу муносабат билан янада кучаядики, Конго Республикасидаги сиёсий аҳволнинг кескинлиги тўхтовсиз ошмоқда, бунда мазкур мамлакатдаги ҳамма оғирликларнинг асосий манбаи — Африкадаги ёш давлатга нисбатан Бельгия агрессиясининг давом эттирилишидир.

Бундан фақат икки ҳафта илгари Хавфсизлик Кенгаши Конгога нисбатан Бельгия томонидан қилинган агрессив ҳаракатлар тўғрисидаги масалани, Бельгиянинг васийликдаги Руанда-Урунди территорияси халқаро статусини бузганлиги тўғрисидаги Бельгия ҳукуматининг масаласини кўриб чиққан эди. Халқаро статуснинг бузилиши Руанда-Урунди территориясидан агрессив мақсадларда фойдаланишда ифодаланган эди. Хавфсизлик Кенгашидаги дискуссия шу нарсани равшан кўрсатдики, Бельгиянинг ҳаракатларини ҳеч нарса билан оқлаш мумкин эмас ҳамда Бельгия ҳукумати Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеянинг қарорини тан олмасликни давом эттирмоқда. Бу қарорлар Конго ички ишларига Бельгиянинг аралашувини дарҳол тўхтатишни талаб қилар эди.

Сўнгги вақтда Конгода рўй берган воқеалар ҳам худди шу нарсадан далолат беради. Бельгия мустамлакачилари Конгонинг қонуний ҳукумат контроли остида бўлган бир қанча шаҳарларини бомбардимон қилган эдилар. Мустамлакачиларнинг ана шу жинояткорона ҳаракатлари натижасида Конгонинг тинч аҳолиси ўртасида кўпгина қурбонлар бўлди.

Бельгия ҳукумати шунингдек Конго Республикаси территориясида жазолаш операцияларини амалга ошириш учун чет эл легиони деб аталадиган легион тузиш чораларини кўрмоқда. Шу муносабат билан Конго халқига қарши қуролли интервенцияда иштирок этиш учун «кўнгиллилар» йиғиш бўйича Бельгияда ташкил қилинган махсус марказнинг фаолияти кейинги вақтларда активлашди. Бельгия ҳукумати Конго территориясидаги ўз кишилари сонини кўпайтирмоқда. Улар Чомбенинг қўғирчоқ армиясида ва Мобутунинг қуролли шайкаларида турли маслаҳатчилар ва инструкторлар ниқоби остида ишламоқдалар.

Бельгия ҳукуматининг Руанда-Урундидан Конго Республикасига қарши фойдаланиш ҳолларига бундан буён йўл қўймаслик ниятида эканлиги тўғрисида Бельгия ҳукумати расмий баёнот берганига қарамасдан, Бельгия ҳукумати Руанда-Урунди территориясига ўз қўшинларининг янги контингентларини, шу жумладан парашютчилар қўшилмаларини шошилинч тарзда юбормоқда.

Мазкур фактлар Конго Республикасининг бош министри Патрис Лумумбани қонунсиз тарзда озодликдан маҳрум қилиш ва уни Катангадаги собиқ Бельгия мустамлака маъмурияти қўлига топширишдан иборат ҳамманинг ғазабини келтирган фактлар билан бир қаторда Конгодаги аҳволни янада мураккаблаштиради, халқаро тинчлик ва хавфсизликка жиддий хавфни янада кучайтиради.

Буларнинг ҳаммаси Хавфсизлик Кенгашининг Конго Республикасига қарши Бельгия агрессиясини тўхтатиш мақсадида қатъий ҳаракат қилишини талаб этади.

Мактубда, Бельгия агрессиясининг янги актлари муносабати билан Конго Республикасидаги аҳвол ҳақидаги масала Хавфсизлик Кенгашида дарҳол кўриб чиқилиши учун зарур тадбирлар кўрилсин, деб талаб қилинади.

Патрис Лумумба озод қилинсин!

Конгода рўй бераётган фожиали воқеалар дунёдаги ҳамма софдил кишилар қалбига қаттиқ таъсир қилмоқда. Бельгия мустамлакачилари сотиб олиш ва дўқ қилишдан тортиб қуролли агрессиягача ҳар қандай воситалардан қайтмасдан ёш давлатни қаттиқ машаққатларга дучор қилмоқда. Бандитлар, ўз халқининг хоинлари Конгода уларнинг бевосита кўрсатмаси билан ва Бельгия қуролининг ёрдами билан ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозир Бельгия босқинчилари ва уларнинг америкалик хомийларининг шармандали ҳаракатлари Конгода айниқса оғир аҳволни вужудга келтирди. Бош министр Патрис Лумумба ва Конго қонуний ҳукумати бошқа аъзоларининг ҳаёти хавф остида турибди. Ана шу шиддатли кунларда жим туриш ён беришга, бепарво қараш — бу иш иштирокчиларига шерик бўлишга тенгдир.

Биз, совет ёзувчилари озодлик ва демократияни қадрлайдиган ҳамма кишиларни Патрис Лумумбани ҳимоя қилишга, Конго қонуний ҳукуматини ҳимоя қилишга чақирамиз, биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан Конго тўғрисида ўзи қабул қилган қарорларнинг бажарилишини талаб қиламиз.

Мустақил Конгодан қўлингни торт! Мустамлакачиларга, йигирманчи асрга яна бостириб кирган ўрта аср ваҳшийларига лаънат!

Г. М. Марков, А. А. Сурков, Н. П. Бажан, Габит Мусрепов, С. В. Михалков, П. Г. Антокольский, Е. А. Долматовский, С. И. Кирсанов, Л. М. Леонов, Б. Н. Полевой, К. М. Симонов, А. Е. Корнейчук, П. Г. Тичина, А. Т. Гончар, П. У. Бровка, К. К. Крапива, И. П. Шемякин.

Кеннеди ҳукуматининг фармойиши

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). «Нью-Йорк таймс» газетасининг Вашингтон мухбири Рэймонд хабар беради: Кеннеди ҳукумати Америка генераллари ва адмиралларининг «кескин» сиёсий гаплар айтишлари ва бошқа «номатлуб» сўзларни айтишлари устидан қаттиқ контроль ўрнатиш тўғрисида фармойиш берди. Бу фармойиш, биринчи навбатда АҚШ ҳарбий денгиз кучлари штабининг бошлиғи, Совет Иттифоқига туҳматлар қилиш билан ном чиқарган адмирал Бэркка тааллуқлидир.

Мўътабар манбадан олинган хабарлардан маълум бўлишича, деб ёзади Рэймонд, адмирал Бэркка 27 январда Вашингтонда сўзлаш учун ўзининг тайёрлаб қўйган нутқини деярли батамом қайтадан ёзиб чиқиш таклиф қилинган, чунки мухбирнинг айтишига қараганда, бу нутқнинг лойиҳаси Оқ уйни ва давлат департаментини «даҳшатга солган». Бэркнинг нутқи Қўшма Штатларнинг Совет Иттифоқи билан муносабатларига бағишланган нутқ эди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ ТУЗАТИШИ

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг кеча, 31 январь сонида босилган «Ўзбекистон ССР Халқ хўжалигини ривожлантириш 1960 йил давлат планининг бажарилиш якунлари тўғрисида»ги ахборотнинг Саноат қисмида «цемент 894 минг тонна, ёки 87 процент» деб, Қишлоқ хўжалиги қисмида «1960 йилда совхозлар давлатга 36 минг тонна сут сотдилар» деб, Қурилиш қисмида «Иштихон ГЭС»и «Ертешар ГЭСи» деб тузатиб ўқилсин.

* * *

Шу соннинг 1-бет 6-устуни охиридаги материалнинг сарлавҳаси «Судан Қизил Ярим ойининг президентига Г. А. Митеревнинг телеграммаси» деб ўқилсин.

Тошкент. Ўрта Осиё ипакчилик илмий-текшириш институтининг аспиранти Фароғат Тошпўлатова пилла ҳосилдорлигини ошириш устида ишламоқда. СУРАТДА: Фароғат ТОШПЎЛАТОВА.

В. Лейзерович фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси номига чет эл олимларидан ҳар куни жуда кўп хат келиб турибди. Бу хатларда тадқиқот ишларининг турли проблемаларига доир масалалар бор. Бу хатларда тажриба ишларини ва назарий тадқиқотларни тўғри ҳал қилишда ёрдам бериш илтимос қилинади, шу билан бирга у ёки бу мамлакатни келиб кўришга таклиф қилинади.

ЎТГАН ЙИЛНИНГ БИР ЎЗИДАГИНА АКАДЕМИЯ ОЛИМЛАРИДАН 26 КИШИ ЧЕТ МАМЛАКАТЛАРГА ИЛМИЙ КОМАНДИРОВКАЛАРГА БОРДИЛАР. **Бу сафарлардан турли илмий мақсадлар кўзда тутилган эди. Совет Иттифоқи билан алоқалар олиб борадиган Британия комитетининг таклифига биноан Англияга меҳмон бўлиб борган академия президенти, Ленин мукофоти лауреати Ҳ. М. Абдуллаев у ерда Англия король жамияти тадқиқотчиларининг ишлари билан танишди. Кимё полимерлари институтининг директори Х. У. Усмонов ҳам шу мақсадда Руминияга бориб келди.** АКАДЕМИЯНИНГ ЕТАКЧИ ИЛМИЙ ХОДИМЛАРИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯЛАР ВА КОНГРЕССЛАРДА АКТИВ ҚАТНАШМОҚДАЛАР. **Академиянинг вице-президенти С. В. Стародубцев Венгрияда паст энергияли ядро физикаси юзасидан ўтказилган коллоквиумда, Ядро физикаси институтининг директори У. О. Орипов радиоизотоплардан фойдаланишга бағишланиб Данияда ўтказилган конференцияда, Физика-техника институтининг директори С. А. Азимов юксак энергияли зарралар физикасига бағишланиб АҚШда ўтказилган конференцияда, экономика институтининг директори О. Б. Жамолов кам тараққий этган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш проблемаларига бағишланиб Италияда ўтказилган конференцияда иштирок этдилар.** АКАДЕМИЯНИНГ ИЛМИЙ ХОДИМЛАРИ ОЛИМЛАРНИНГ ГИДРОГЕОЛОГИЯ, ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ВА БОШҚА ПРОБЛЕМАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО УЧРАШУВЛАРИДА ҲАМ ҚАТНАШДИЛАР.

Чет элларнинг таниқли олимлари республика Фанлар академиясига тез-тез келиб турганликлари ЖАҲОНДА ЎЗБЕКИСТОН ФАНИНИНГ ОБРЎЙИ ТОБОРА ЎСИБ БОРАЁТГАНЛИГИДАН ДАЛОЛАТ БЕРИБ ТУРИБДИ. **Америка Қўшма Штатларидан ўтган йил мобайнида Америка экономистлари уюшмасининг президенти В. Пэрло, Чикаго университетининг профессори Т. Шульц, Калифорния университетининг профессори Д. Гроссман, АҚШ иқтисодий тараққиёт комитетининг директори Ф. Бонд, шу комитет тадқиқот бўлимининг директори Г. Штейн Ўзбекистонга келиб кетдилар. Хитой, Болгария, Бирлашган Араб Республикасидан келган ёш олимлар академияда кўп ойлар давомида илмий тайёргарликдан ўтдилар.**

ҲОЗИРГИ ВАҚТДА ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИНИНГ ИЛМИЙ АСАРЛАРИ ЙИГИРМА ЕТТИ МАМЛАКАТНИНГ ИЛМИЙ МУАССАСАЛАРИГА ЮБОРИЛИБ ТУРИБДИ. **Ўтган йил мобайнида илмий асарлар айирбошлаш тариқасида 1700 тага яқин китоб ва журналлар чет элларга юборилди (ЎзТАГ).**

Редактор И. РАҲИМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

1 февралда

19.00 — **Теремок** (мультипликацион фильм). 19.30 — **Курашда туғилганлар** (ҳужжатли фильм). 19.50 — **Трактор йиғув заводидан репортаж** (саноат ходимлари учун ўзбек тилида). 20.15 — **Сўнгги ахборот.** 20.35— **Капитализм умумий кризисининг янги босқичи нимадан иборат** (ўзбек тилида лекция). 20.50 — **Венгер куйларидан концерт.** 21.10 — **Бечора, севимли онам** номли аргентин бадиий фильми.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/II-да **Олтин калид.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/II да **Гамлет,** 2/II да **Алишер Навоий.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА 1/II да **Паранжи сирлари** («Холисхон»), 2/II-да **Ватан ишқи.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСР да хизмат кўрсатган артист **Ю. Дуров гастролининг давоми** (ўргатган ҳайвонлари билан). Томоша кеч соат 7 ярымда бошланади.

КИНО

Самолёт соат 9 да жўнайди (янги кенг экранли бадиий фильм) — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Даҳшатли тунлар — СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб соат 10 ва кеч 6 да).

Тўхтагул — «ДРУЖБА» (1-залда), СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Беш кечаю беш кундуз — «ЁШ ГВАРДИЯ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (кеч соат 8-40 минутда).

Шаҳар ташқарисида — «ДРУЖБА» (2-залда), «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Макр ва Муҳаббат — «ВАТАН» (кеч соат 5 ярымда).

Эски Чикагода — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Аэродром қабул қилмайди — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Кўчма қалъа — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

2 февралда

УЗБЕК АШУЛА, РАҚС ВА МУЗИКА

КЕЧАСИ

СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Мукаррама Турғунбоева,** Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Комилжон Отаниёзов, Шаҳодат Раҳимова,** Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар **Коммуна Исмоилова, Кундуз Мирнаримова, Берта Давидова, Эргаш Шукруллаев, Карим Алиев,** VI Жаҳон фестивали лауреати **Фозил Харротов,** филармония солистлари **Неъмат Қулабдуллаев, Раҳима Ҳакимова, Раббим Ҳамдамова Ғафур Азимовлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 7 ярымда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

3. 4 февралда

„БАҲОР“ ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

СССР халқ артисти

МУКАРРАМА ТУРҒУНБОЕВА

иштирокида

концертлари

Кеч соат 7 ярымда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

2, 3, 4, 5 февралда

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий юбилейига бағишланган

эстрада концертлари

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Учқун Ғаниев,** солистлар **Фахриддин Умаров, Муҳаббат Мусаева, Малоҳат Дадабоева, Тўхта Рисметова, Назрулла Ёқубов,** артистлар **Э. Муҳитдинов, Ж. Қосимов, О. Абдураззоқов,** Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамблида **О. Ҳасанов** (чанг), **М. Халилов** (ғижжак), **Х. Юсупов** (най), **Ж. Мирхолиқов** (доира), **М. Тошмуҳамедов** (рубоб), **В. Тягнибидний** (баян) қатнашади.

Концерт кеч соат 7 ярымда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Экономика институти билдиради,

П. И. Балясниковнинг

1 февралга белгиланган

диссертациясини ёқлаш

1961 йил 22 февралга кўчирилади

ва кундуз соат 2 да, Фанлар академиясининг кичик конференц-залида бўлади (Куйбишев кўчаси, 15-уй).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

композиция, музика тарихи, опера-симфония дирижёрлиги, фортепьяно ихтисослари юзасидан

аспирантурага қабул қилади

Олий маълумотли, 40 ёшдан ошмаган кишилар қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб берилади: кадрларни ҳисобга олиш варақаси, таржимаи ҳол, олий ўқув юртини тамомлаганлик ҳақида диплом, кейинги иши жойидан характеристика, ҳарбий хизматга муносабати бўлган кишилардан шу тўғрида ҳужжат, босилган асарлар рўйхати (шундай асарлари бўлса), соғлиғи ҳақида справка.

Ариза бериш муддати — 1 ой.

«Композиция» ихтисосига кирувчилар ўзлари ёзган асарларни, «музика тарихи» ихтисосига кирувчилар — танлаган темаларида ёзма реферат тақдим қиладилар (агар бу асар босилмаган бўлса).

«Композиция» ва «музика тарихи» ихтисосларига кирувчилар: 1) гармония ва полифониядан ёзма иш бажарадилар, 2) музика тарихи ва музика адабиёти, 3) музика назарияси (гармония, полифония, музика асарларини анализ қилиш ва оркестровка), 4) КПСС тарихи, 5) чет тилдан (ёзма ва оғзаки) имтиҳон топширадилар.

«Опера-симфония дирижёрлиги» ва «фортепьяно» ихтисосларига кирувчилар: 1) концерт программасини бажарадилар, 2) музика тарихи ва назарияси, шунингдек маълум ижрочилик санъатининг тарихи ва назариясига доир махсус масалалардаги суҳбатдан, 3) КПСС тарихи, 4) чет тилдан (ёзма ва оғзаки) имтиҳон топширадилар.

Ариза ва ҳужжатларни тақдим қилиш учун адрес: Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси, 31-уй, Телефон—35-274.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ

КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА

Тўрт йўл

НОМЛИ ЯНГИ ҲИНД БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРАДИ

(2 серияли)

Фильмда таниқли киноактёр ва режиссёр

РАЖ КАПУР

қатнашади.

Фильмни Ҳиндистоннинг «Найя Сансар» киностудияси ишлаган

1961 йил 10 февраль кундуз соат 3 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Геология институтининг илмий совети мажлисида (Сталин кўчаси, 33-уй, 3-қават, 67-аудитория)

А. Орипов

геология-минералогия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Норин тошкўмир районидаги кўмир қатламларининг тузилиши ва ҳосил бўлиши» деган темада

диссертация ёқлайди

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

1961 йил 11 февраль кундуз соат 12 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Техника фанлари бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Куйбишев кўчаси, 15-уй, Фанлар академиясининг конференц-зали) қуйидагилар техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

диссертация ёқлайдилар

Э. Э. Маковский: «Каналлардаги сувнинг сарфланишини оқим энергияси ёрдамида автоматик тартибга солиш» деган темада.

Н. А. Филиппов: «Телебошқариш сигналларидаги кўп хусусиятли импульсларни текшириш» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин. (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

К. Маркс кўчаси, 36-уйда турувчи **Анатолий Султанович Чигановнинг** шу уйда турувчи Леонора Алексеевна Соловьёвадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Қорамурт кўча, 141-уйда турувчи **Надежда Григорьевна Арманнинг** шу уйда турувчи Мустафа Белялович Армандан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ, *«Правда Востока» кўчаси 26 уй*

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 33469. Саноат ва транспорт — 29.005. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги—27604. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 31226. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 01479. Нашр. Б. 26.